Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 277 (13.233).
26 НОЯБРЬ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин!

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

ПАХТА БАЙРАМИ — МЕҲНАТ ТАНТАНАСИ

Барча колхозчиларга, совхозларнинг ишчиларига, механизаторларга, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларига, шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашларига, студентлар ва ўқувчиларга, республиканинг барча меҳнаткашларига

МУРОЖААТ

Қадрли ўртоқлар!

Эрта ва индин — 27 ва 28 ноябрда республикамиз деҳқонлари, улар билан биргаликда эса Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари пахтакорларнинг қувончли шодиёнаси — «Пахта байрами»ни тантанали равишда нишонлайдилар.

Бундан бир неча йил олдин нишонлана бошланган янги халқ байрами эндиликда қарор топди, республиканинг ижтимоий ва маданий ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бу байрам йил сайин тобора чуқурроқ мазмун касб этмоқда, меҳнаткашларнинг ҳаётига мустаҳкам кириб бормоқда.

Республика ишчилари, колхозчилари ва интеллигенциясининг хоҳишини эътиборга олиб, бу йилдан эътиборан «Пахта байрами» традицион байрам бўлиб қолади ва ҳар йили ноябрь ойининг сўнгги якшанбасида худди умумхалқ байрамидек, совет халқи коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш учун олиб бораётган курашга салмоқли ҳисса қўшаётган пахтакорларнинг фидокорона меҳнатига кўрсатилган ҳурмат сифатида нишонланади.

«Пахта байрами» бу йил республикамиз халқ хўжалигининг барча соҳаларини ва маданиятни ривожлантиришда ажойиб муваффақиятларга эришган бир шароитда нишонланмоқда. У жонажон ленинчи партиямизнинг XXIII съезди чақирилиши муносабати билан Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий активлиги янгидан, мисли кўрилмаган даражада ошган бир шароитда ўтказилмоқда.

Республика саноатининг меҳнаткашлари катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларидан руҳланиб, етти йиллик планни муддатидан илгари бажардилар ва ҳозир янги беш йилликнинг биринчи йили ҳисобига ишламоқдалар. Саноат меҳнаткашларининг қаҳрамонлик ишлари республика меҳнаткашларида коммунизм қурувчиларининг биринчи сафларида бораётган ўзларининг шонли ишчилар синфи учун, инженер-техник ходимларнинг кўп сонли армияси учун ҳаққоний равишда фахрланиш ҳиссини вужудга келтирмоқда.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг катта совет пахтаси учун жангда қўлга киритган чинакам улуғ ғалабаси ҳаммамизни қувонтирмоқда. Деҳқонлар КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, партиянинг XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, ҳозирнинг ўзидаёқ Ватан омборига 3 миллион 875 минг тонна «оқ олтин» етказиб бердилар. Шу нарса қувончлики, барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР давлатнинг пахтага бўлган план-заказини анча ошириб бажардилар ва пахта топширишни давом эттирмоқдалар.

Республика пахта етиштириш бўйича етти йилликнинг 1965 йилга белгиланган контроль рақамларидан анча ўзиб кетди, шунингдек давлатга дон, луб экинлари пояси, қоракўл тери, пилла, картошка, тухум, гўшт, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти сотиш ҳамда топшириш етти йиллик планини ошириб бажарди.

Республика давлат планини ва олинган юксак социалистик мажбуриятларни бундай ҳеч қачон кўрилмаган қисқа муддатларда бажариши Ўзбекистон меҳнаткашлари оммавий қаҳрамонлигининг натижасидир, улар Ватан олдидаги ўз бурчларини тушунганликларининг намунасидир, республика меҳнаткашлари коммунизм қурилиши ишига қўшган бебаҳо ҳиссадир.

Биз эришган барча муваффақиятларимиз, барча ютуқларимиз учун пахтакорлар ҳақида жуда катта ғамхўрлик қилаётган, уларга катта моддий-техника ёрдами кўрсатаётган КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматидан миннатдормиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги мутахассисларини, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, қишлоқ коммунистлари ва комсомолларини, район партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларини, колхоз ва совхозларнинг партия ҳамда касаба союз ташкилотларини, Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларини катта ва қувончли ғалаба — оширилган социалистик мажбуриятлар бажарилганлиги билан қизғин табриклайдилар.

Пахта теримида колхоз ва совхозларга бебаҳо ёрдам берган шаҳарлар ва ишчи посёлкаларининг меҳнаткашлари, студентлар ва ўқувчиларни ҳар қанча мақтаса арзийди. Бунинг учун уларга халқ номидан катта раҳмат айтамиз ва миннатдорчилик билдирамиз.

Республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари эришган муваффақиятлар янги, янада мураккаб вазифаларни ҳал қилиш учун ишончли замин бўлиб хизмат қилади. Ҳозир даставвал гап шундаки, эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиб қолмаслик, куч-ғайратни бўшаштирмаслик, янги резервларни қатъият билан қидириш ва ишга солиш, социалистик қишлоқ хўжалигининг устунликларидан тўла фойдаланиш зарур.

Қишлоқ меҳнаткашлари чинакам буюк ғалабага эришдилар. Бироқ кибрланиш, эришилган муваффақиятлар билан хотиржамланиш совет кишиларига хос одат эмас, улар янги марраларни эгаллаш учун доимо олға интиладилар. Бизнинг сафларимизда хотиржамланиш ва бепарволик кайфиятига берилувчи кишиларга ўрин бўлмаслиги керак. Партия ва давлат интизомини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, ўз меҳнатининг натижасига сезгирлик билан баҳо бериш, эътиборни ҳали ҳал қилинмаган вазифаларга қаратиш зарур. Кадрларимизни камтаринлик ва ишчанлик, партия ва халқ олдидаги масъулиятни юксак ҳис этиш руҳида тарбиялаш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашларини, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларини, партия, совет, қишлоқ хўжалик, касаба союз ва комсомол ташкилотларини давлатга ҳамма турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш планларининг бажарилиши учун, келгуси йил ҳосилига замин яратиш ишларини муваффақиятли тугаллаш учун янада кўпроқ қатъият билан кураш олиб боришга чақирадилар.

Республика меҳнаткашларининг бурчи — тайёрланаётган пахтанинг миқдорини йил сайин тўхтовсиз ошириб боришдан, уни мамлакатга тобора кўп етказиб беришдан иборатдир. Деҳқончилик маданиятини ошириш учун янада кўпроқ интилиш, агротехниканинг янги усулларини ва комплекс механизацияни жорий қилиш, юқори ҳосил етиштириш усталарининг тажрибасини кенг қўлланиш лозим.

Ҳозирги куз кунларида колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ўзларининг бутун куч-ғайратларини, тўплаган барча тажрибаларини пахта ва бошқа экинлар ҳосилининг далада қолган қисмини йиғиб олишни яқин вақт ичида тугаллашга, шудгорлашни қисқа муддатда ва юксак агротехника даражасида ўтказишга, кўпроқ минерал ва органик ўғитлар жамғариш ҳамда уларни далага ташиб чиқаришга, суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини тартибга келтиришга, ернинг шўрини ўз вақтида ювишга, сифатли уруғлик тайёрлашга, шунингдек техникани келгуси йили ишлатишга тахт қилиб қўйишга сарфламоқлари даркор.

1966 йилда чорвачиликни ривожлантиришда янада юксак кўрсаткичларга эришиш муҳим вазифа ҳисобланади. Бунинг учун чорва моллар қишловини намунали ўтказиш зарур. Чорва моллар-ни тўла сақлаб қолишга, колхоз ва совхозларда барча зоотехника-ветеринария тадбирларини уюшқоқлик билан амалга оширишга, чорва молларни бинолар билан таъминлашга, қўшимча озуқа имкониятларини қидириб топишга ва уни чорва моллар қишлайдиган жойларга ташиб келтиришга, чорва молларнинг кўнгилдагидек боқилишини ташкил этишга ва уларнинг маҳсулдорлиги камайиб кетиши ҳамда орқалашига йўл қўймасликка эришмоқ даркор. Хўжаликларда молларни бўрдоқига боқиб семиртиришни кенг ташкил этиш керак.

Ҳозирги вақтда барча кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш ва чорва моллар қишловини намунали ўтказишдан кўра ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Бу, республикага пахта ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотларини етиштиришда янги марраларни эгаллаш имконини беради.

Механизатор кадрлар тайёрлаш, барча колхоз ва совхозларда агрозоотехника ўқувини кенг йўлга қўйиш учун куз ва қиш давридан фойдаланиш зарур.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети деҳқонларни, республиканинг барча меҳнаткашларини пахтакорларнинг умумхалқ шодиёнаси — «Пахта байрами» билан чин кўнгилдан қизғин табриклайдилар ва қишлоқ меҳнаткашлари ўз олдиларида турган вазифаларни шараф билан бажарадилар, совет халқи севикли Ватанимизнинг шон-шуҳратини ошириш ва қудратини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган курашга республикамиз қўшадиган ҳисса бундан буён ҳам ошиб бориши учун барча зарур чораларни кўрадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақа алангаси кун сайин тобора ёркинроқ ловиллансин!

Ватанимизнинг шон-шуҳрати учун, коммунизм тантанаси учун янги зафарлар сари олға!

Сизларни байрам билан табриклаймиз, қадрли ўртоқлар!

УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ

УЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ



Аварияларга йўл қўймаслик, агрегатларнинг соз ишлашини таъминлаш ремонтчиларнинг энг муҳим вазифаси. Навоий ГРЭСи химия цехи ускуналарини ремонт қилувчи слесарь М. Баландин ва пайвандловчи Б. Гапонов ўртоқлар ўз бурчларини сидқидилдан бажариб, станцияда кўплаб энергия ҳосил қилишга муносиб ҳисса қўшаётирлар. Уларни суратда кўриб турибсиз.

А. Усмонов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ШОЛИКОРЛАРИНИНГ ПАРТИЯ СЪЕЗДИГА СОВҒАСИ

Ўзбекистон пойтахт области колхоз ва совхозларининг шоликорлари КПСС XXIII съездини муносиб кутиб олмоқдалар. Улар шоли сотиш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Ватан улардан 12 минг тоннадан кўпроқ шоли қабул қилиб олди.

Юқори Чирчиқ райони колхозларининг шоликорлари йиллик планни бажарганликлари тўғрисида биринчи бўлиб рапорт бердилар. Улар ҳозиргача йиллик топшириқни 126 процент адо этдилар. Бекобод ва Урта Чирчиқ районларининг меҳнаткашлари топширилган шоли миқдори жиҳатидан олдинда бормоқдалар. Бу ҳар иккала район бирлигида олти минг тоннадан зиёд қимматбаҳо маҳсулот топширди.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ БУЛБУЛИ

«Унинг шеърлари юракдан отилиб чиқаётган ўтга ўхшайди...» Арман шоираси Сильва Капутикян бизнинг Зулфиямизга ана шундай баҳо берган. Шу сўзларда ўзбек шоирасининг бутун сиймоси, бутун ижоди, унинг кўп қиррали барқамол таланти кўриниб туради.

Зулфия эллик баҳорнинг жамолини кўрди. Шоира талантининг кўпдан-кўп мухлислари — ишчилар, колхозчилар, студентлар, унинг қаламкаш ўртоқлари, қардош республикалардан келган дўстлари, жамоатчилик вакиллари Зулфияга ўз меҳр-муҳаббатлари ва ташаккурларини изҳор қилмоқ учун 25 ноябрда Навоий номли опера ва балет театрига тўпланишди.

Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениеси президиумининг раиси К. Яшин қисқача нутқ сўзлаб, Зулфия туғилган кунининг 50 йиллигига бағишланган юбилей кечасини очди.

Республика Олий Совети Президиумининг Фармони ўқиб эшиттирилгандан кейин, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов «Ўзбекистон ССР Халқ шоираси» деган фахрий унвон бериш тўғрисидаги ёрлиқни Зулфияга топширади ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан унинг номига ёзилган табрикномани ўқиб беради.

Ўз нутқини шоиранинг ҳаёти ва ижодига бағишлаган профессор Воҳид Зоҳидов Зулфия — бахт-саодатни, эркин, нур ва шодлик тўла ҳаётни овозининг борича тараннум қилаётган улкан шоирадир, деди. Унинг дилбарлиги, актуаллиги билан кишини мафтун этувчи шеърлари кишилар қалбига жо бўлиб қолган. Унинг ҳар мисра шеърида тенгсизлик кишаларини улоқтириб ташлаган ўзбек аёлининг овози, партия, халқлар дўстлиги, иш ва вафо, тинчлик ва меҳнат шаънига айтилган гимн жаранглаб туради.

Бугун биринчи халқ шоираси талантининг ихлосмандлари энг самимий миннатдорчилик сўзлари билан унга мурожаат қилиб, янги-янги ижодий ютуқлар тилайдилар.

Жамоатчилик вакиллари, китобхонлар, шоиранинг қаламкаш дўстлари, қардош республикаларнинг вакиллари бирин-кетин юбилярни муборакбод қиладилар. Узоқ умр, ижодда ютуқлар тилаб бепсён мамлакатимизнинг турли томонларидан юборилган тёлеграммалар ҳам Ўзбек шоирасининг машҳурлигини тасдиқлади.

Зулфия ўз ижодига юксак баҳо берилганлиги учун чин юракдан ташаккур билдирди, бундан буён ҳам ўзимнинг бутун фаолиятимни халқ хизматига бағишлайман, деб ваъда берди.

Ўзбекистон санъат усталари юбиляр шарафига концерт бериб, Зулфияни ўзига хос равишда муборакбод этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

К. Л. ТАРНАКИНГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН МЕХАНИЗАТОР» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалигида кўп йиллардан бери самарали ишлаб келаётганлиги учун ва республика пахтачилигини механизациялаштиришни ривожлантиришдаги хизматлари учун Марҳамат механизатор кадрлар малакасини ошириш доимий ишловчи мактабининг директори Константин Лукич Тарнакингга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган механизатор» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари
А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Р. САХИБОЕВ.

1965 йил, 25 ноябрь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Республикада мухоналарни муддатидан олдин ишга тушириш соҳасида меҳнатда эришилган муваффақиятлари учун қурувчилар ва монтажчилардан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Республика матбуотини ривожлантиришдаги хизматлари учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан «Тошкент ҳақиқати» газетасининг редактори Аҳмад Исмоилович Исмоилов Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий Ёрлиғи билан мукофотланди.

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Давлатга пахта сотиш планини муддатидан илгари ошарганликлари учун республика ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ёзиладилар.

Фарғона областидаги **Қува** райони (район партия комитетининг секретари ўртоқ **Д. Султонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Х. Эрматов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Р. Назаров**, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ **У. Мамадалиев**, «Узселхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **С. Ҳасанов**, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **А. Вакиров**).

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Бу воқеа Улуғ Ватан уруши тугай деб қолган кунларда содир бўлган эди.

3-Балтика бўйи фронти участкаларидан бирида гитлерчилар «Тигрлар» ёрдамида Совет жангчиларининг ғолибона юришини тўхтатишга уриниб кўрдилар, лекин танкка қарши ўт очувчи артиллерия расчётларидан бирининг кучли қаршилигига учрадилар. Бу артиллерия расчетида старший сержант В. А. Михайлов хизмат қилар эди. Томонларнинг кучлари тенг эмас эди. Тўп командири қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бошқа жангчилар сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилдилар. Старший сержант Михайлов бошидан ва қўлидан оғир яраадор бўлди. Бироқ, у ўзининг жанговар постидан кетмади ва душман билан юзма-юз жанг қилди. Совет жангчиси мохирлик билан ўқ узиб, душманнинг олтита «Тигр»ини сафдан чиқарди.

Мана шу жасорат учун старший сержант В. А. Михайловга Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди.

23 ноябрда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян Кремлда собиқ жангчи, эндиликда пенсионер В. А. Михайловга Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медалини топширди. (ТАСС).

Покистон ташқи ишлар министри Москвада

Покистон ташқи ишлар министри Зулфиқор Али Бхутто 24 ноябрда СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан яна учрашди ва суҳбатлашди.

Шу куниёқ А. А. Громико Покистон ташқи ишлар министри шарафига зиёфат берди.

Дўстона вазиятда ўтган зиёфат вақтида А. А. Громико билан Зулфиқор Али Бхутто қадаҳ кўтардилар. (ТАСС).

ТАСС АХБОРОТИ

Космик фазони ўзлаштириш планига мувофиқ Совет Иттифоқида Тинч океан акваторияси районига яна учирувчи ракеталар учирилди.

Учириш вақтида ракеталардаги барча системаларнинг иши ва гарезони нормал ўтди, охиргидачи олдинги босқичларининг макетлари мўлжалдаги қўниш нуқтасига ниҳоятда аниқ бориб етди.

Шундай қилиб, шу босқичга белгиланган синов программаси муваффақиятли бажарилди.

ТАСС шуни айтишга вакил қилинганки, Тинч океан акваториясининг радиуси 40 денгиз милясини ва маркази шимолий кенгликнинг 35 градус 0-5 минут ва шарқий узунликнинг 175 градус 43 минут координаталари билан чекланган ва шу йил 31 октябрда эълон қилинган районни 1965 йил 25 ноябрдан бошлаб кемаларнинг қатнови ва самолётларнинг учиши учун батамом бўшатиб берилди.

Космик фазони янада ўзлаштириш соҳасидаги илмий тадқиқотлар программаси кенгайтирилганлиги муносабати билан Совет Иттифоқида 1965 йил 25 ноябрдан 25 декабргача Тинч океанининг марказий қисми районига учирувчи ракеталар учирилади. Бу район радиуси 40 денгиз милясини ва маркази жанубий кенгликнинг 0 градус 5 минут ва ғарбий узунликнинг 163 градус 45 минут координаталарига эга бўлган доира билан чекланади.

ТАСС қуйидагиларни билдиришга вакил қилинган: Совет Иттифоқи ҳукумати хавфсизликни таъминлаш мақсадида Тинч океанда денгиз ва ҳаво йўлларидан фойдаланаётган бошқа мамлакатларнинг ҳукуматларидан акваториянинг ва ҳаво масофасининг ана шу районига ҳар куни сутканинг иккинчи ярмида маҳаллий вақт билан соат 12 дан 24 гача кема ва самолётлар кирмаслиги учун тегишли органларга нўрсатма беришларини илтимос қилади.

ЛЕНИНЧА ИШ УСЛУБИ УЧУН

РАҲБАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Хўжалик ва маданий қурилишнинг катта ва муҳим масалаларини ҳал этишда меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари муҳим роль ўйнайди. Бу масалаларни муваффақиятли бажариш учун маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия комитетлари ўз раҳбарлик савиясини тинмай ошира боришлари, иш услуби ва формаларини такомиллаштиришлари, аҳолининг кенг қатлами билан алоқани тобора мустаҳкамлашлари лозим. Биз ўзимизнинг бутун ишимизда ана шу муҳим партиявий принципга риоя қилмоқдамиз.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети маҳаллий Советларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоқда, уларнинг ташаббусини ҳамиша қўллаб-қувватламоқда. Ижроия комитетларнинг ишларини комплекс текширувдан ўтказиш, уларнинг ҳисоботларини тинглаш, фаолиятининг айрим соҳаларини ўрганиш ҳамда ана шу соҳа бўйича ҳисоботларини эшитиш, район ва шаҳар, овул ва поселка Советлари ходимларининг семинарларини ўтказиш, жойларга бориб совет ходимларига амалий ёрдам кўрсатиш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ишни текшириш ижроком фаолиятини баҳолаш билан бирга камчиликларни очиб ташлаш ҳамда уларни тугатишга, ходимларда жавобгарлик ҳиссини оширишга ёрдам бераётир. Бу йил Қўнғирот ва Мўйноқ район ижроия комитетлари ҳамда Хўжайли шаҳар ижрокомининг иши текширувдан ўтказилди. Министрлар Совети улар фаолияти ҳақида тегишли қарор қабул қилиш билан бирга унинг бажарилишини ҳам изчил кузатиб бораётир. Шу йил октябрида Министрлар Совети Мўйноқ район ижроия комитети ҳисоботи бўйича қабул қилинган ўз қарорининг қандай бажарилаётганлигини текширди. Иш билан танишиш шуни кўрсатдики, қарорда қайд қилинган қатор камчиликлар тузатилган, капитал қурилиши ва уй-жой фонди ремонтини тезлаштириш учун конкрет тадбирлар қўлланилган, аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишлари яхшиланган.

Ижронинг изчил бажарилишини таъминлаш учун биз ижроия комитетларнинг бутун фаолияти бўйича ҳисоботларидан ташқари айрим масалалар юзасидан ҳам уларнинг ахборотини тинглаётирмиз. Масалан, Кегайли район ижроия комитети апрелда «Ташкилий-оммавий ишлар ҳақида» ҳисобот берган эди. Сентябрнинг охиларида эса Министрлар Совети ана шу масала юзасидан қабул қилинган қарорини текширди. Районда оммавий-ташкилий ишлар бирмунча яхшиланганлиги, овул Советларининг йиғилиш ва сессиялари ўз вақтида ўтказилаётганлиги, уларда муҳим масалалар кўрилаётганлиги маълум бўлди.

Овул Советлари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, биринчи галда механизаторларнинг кундалик эҳтиёжларига жуда яқин турадилар. Шу сабабли Министрлар Совети овул Советларининг ва уларнинг ижроия комитетларининг ишига алоҳида эътибор ёрдамида. Район ижроия комитетларининг қишлоқ Советларига раҳбарлигини яхшилаш чораларини ишлаб чиқмоқда. Қўнғирот район ижроия комитетининг овул Советларига раҳбарлиги масаласи текширилди. Район Советининг қуйи маҳаллий ҳокимият органларига муҳим масалаларни ҳал этишда қандай ёрдам бераётганлиги кенг муҳокама қилинди.

Совет ходимларининг ғоявий-сиёсий савиясини ошириш, кадрлардан ўз жойида фойдаланиш, улар ташаббусига кенг имконият яратиб бериш — катта ютуқларнинг омилидир. Ана шу мақсадда биз кенгаш ва семинарларни тез-тез уюштириб турибмиз. Уларда «КПСС Марказий Комитети март Пленуми қарорлари ва маҳаллий Советларнинг вазифалари», «Маҳаллий Советлар ва қишлоқларда маданий-оқартув ишлари», «Маҳаллий Советларнинг ташкилий-оммавий ишлари ва бошқа темаларда лекциялар ўқилмоқда. Шунингдек, совет ишларида қўлга киритилган ютуқлар ўртоқлашилмоқда, тажрибалар оммалаштирилмоқда.

Овул Советларининг халқ хўжалиги ва маданий қурилишдаги ишароки ва фаолиятини кучайтириш бўйича социалистик мусобақа уюштириб келмоқдамиз. 1964 йил мусобақа якунида кўчма Қизил байроқ Хўжайли район, Шуманай овул Советига топширилди. Бу Совет пахта тайёрлаш, чорвачилик маҳсулотлари топшириш, аҳоли ўртасида маданий-оқартув ишларини яхшилашда, шунингдек бюджетни муддатидан олдин бажаришда бошқаларга намуна кўрсатди. Бу йил эса мусобақада иккита кўчма Қизил байроқ, шунингдек пул мукофотлари топшириш кўзда тутилган. Ҳозир Беруний район Шимам овул Совети мусобақада олдинда бормоқда. Бу овул Совети пахта экиш кампанияси даврида оммавий-ташкилий ишларни жонлантириб юборди. Унинг тажрибаси бошқа овул Советларига ҳам ёйилмоқда. Овул Советларининг мусобақаси текширилиб борилмоқда. Амударё район, Қипчоқ овул Совети, Кегайли районининг Эркиндарё, Кегайли, Халқобод овул Советлари, Қўнғирот районининг Охунбобоев номли овул Советларининг ўртасидаги мусобақалар текширилиб, жойларда амалий тадбирлар белгиланди. Мана шу тадбирлар туфайли кейинги пайтларда овул Советларининг оммавий-ташкилий ишларини анчагина яхшиланди, улар халқ хўжалигининг турли тармоқларига раҳбарликни яхшиладилар, маданий-оқартув ишларини жонлантирдилар.

Автоном республикамиздаги қуйи Совет аппаратларида жамоатчилик асосида ишлаш, меҳнаткашлар депутатлари Советлари ижроия комитетларининг штатсиз бўлимларини тузиш кенг қулоч ёймоқда. Ҳозир район ва шаҳар ижроия комитетларида 28 штатсиз бўлим ташкил этилган бўлиб, уларда 117 жамоатчи ишламоқда. Улар ижроия комитет мажлислари ва Советларнинг сессияларига масалаларни тайёрлашда, қабул қилинган қарорларнинг ижросини текширишда жуда катта ёрдам кўрсатмоқдалар.

Лекин шу нарсани ҳам эътироф этиш керакки, айрим маҳаллий Советлар ўзларининг ташкилотчилик ролларини яхши уддалай олмаётирлар, меҳнаткашларнинг маданий дам олишлари учун етарли ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Улар колхоз ва совхоз ҳаётига чуқур кириб боролмаётирлар, маданий ва маиший хизмат муассасалари ишларини яхшилашда ташаббус кўрсата олмаётирлар.

Биз маҳаллий Советларга партия раҳбарлигини янада яхшилаш учун уларга илғор тажрибаларни ўргатишда ҳали кўп иш қилишимиз керак. Буни маҳаллий Советлар олдида турган жуда катта вазифалар, КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорлари тақозо этади. Ишонч билан айтиш мумкинки, маҳаллий Советлар ўз ишларини кун сайин яхшилайдилар. Партия ташкилотлари бунда уларга доимий ёрдам кўрсатади.

Е. АЙТМУРОТОВ,
Қорақалпоғистон Автоном республика Министрлар Советининг Раиси.

ХУШХАБАРЛАР

КПСС XXIII съездини меҳнатда қувончли натижалар билан кутиб олишга бел боғлаган «Алмалиқсвинецстрой» трестининг қурувчи ва монтажчилари янги объектларни фойдаланишга топшириш бўйича йиллик планни бажардилар. Олтинтопган комбинатининг қўрғошин-рух фабрикаси комплексидаги 6-секция муддатидан илгари қуриб битказилди. Трест аъзоатлари мактабгача болалар муассасалари бинолари қурилишини, Олмалиқ шаҳридаги ёғочсозлик заводи реконструкциясини ҳам барвақт тамомладилар.

* * *

Фарғонадаги пахта тозалаш заводининг меҳнат аҳли етти йиллик планни белгиланганидан анча аввал бажарди. Планга қўшимча равишда 1840 тонна тола ва 10 тоннадан ортиқ момиқ ишлаб чиқарилди. Пахта тозаловчилар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, машина-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш, иш вақтининг ҳар дақиқасини қадрлаш йўли билан йил охиригача яна 7 минг тонна тола, 500 тоннадан ортиқ момиқ ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

* * *

Самарқанд локомотив депоси коллективи юк ташиш ҳажми бўйича етти йиллик маррасини барвақт эгаллади. Етти йил мобайнида ҳар 10 минг тонна юк ташиш ҳисобига 10 процент миқдорида ёнилғи тежашга муваффақ бўлинди. Юк ташиш таннархи планда белгиланганига нисбатан 2,6 процент арзонлашди. Тепловозлар ёрдамида юк ташиш тобора кенгаймоқда. Ҳар бир тепловоз билан оғирлиги 2800—2900 тоннали поездлар участкаларга бехатар етказиб бериляпти. Бу эса паровозларда ташилганига нисбатан 25-30 процент ортиқдир.

* * *

Андижон областининг Жомашўйдаги 86-автобазаси меҳнаткашлари халқ хўжалиги юкларни ташишнинг прогрессив усулларидан самарали фойдаланяптилар. Бу ерда машиналарга прицеплар тиркаб юк ташиш яхши натижа бермоқда. Илгари ҳар бир машина билан 2,5 тонна юк ташилган бўлса, прицеплар тиркалган машиналар ёрдамида 5 тонна юк ташилаётир. Ҳозир ана шу прогрессив усул билан 400 минг тонна халқ хўжалиги юклари ташилди. Автомобилчилар йил охиригача яна 110 минг тонна халқ хўжалиги юкларини ташиб бериш учун курашмоқдалар.



Фарғона азот ўғитлари заводи марказий лабораториясининг ходимлари технологияни такомиллаштириш учун курашда яхши натижаларга эришмоқдалар. Суратда: лаборатория ходими Н. Овчинникова минерал ўғитлар ҳосил қилишда қўлланиладиган газларни таҳлил қилишнинг янги усулини ишлаб чиқмоқда.

Г. Бойко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

АДАБИЁТНИНГ ПАРТИЯВИЙЛИГИ

В. И. ЛЕНИННИНГ «ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ПАРТИЯВИЙ АДАБИЁТ» НОМЛИ ГЕНИАЛ МАҚОЛАСИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИГА БУГУН 60 ЙИЛ ТЎЛДИ

В. И. Ленин «Партия ташкилоти ва партиявий адабиёт» мақоласида пролетариат партиясининг бадиий ижодга муносабати, яъни адабиёт ва санъатининг партиявийлиги принципини белгилаб, газета ва журнал редакцияси ҳамда нашриётларни бу вазифани амалга оширишга чақирди.

Революция даврида, халқ ўз озодлигини қўлга киритаётган бир вақтда, бадиий ижоднинг ҳаётдан, сиёсатдан, курашдан жиндайгина бўлса ҳам четга тортиш, «партиясизлик» принципини тарғиб қилиш жуда катта хато бўлур эди. Бу эса партия ва революцион синфнинг озодлик учун олиб бораётган курашига зарар етказган бўлур эди.

Ҳар қандай санъат партиявий бўлади, чунки ҳар қандай санъат у ёки бу партия, синф, табақанинг қарашини ифодалайди. Ҳар қандай санъаткор кимгадир қўл келадиган сиёсатни қўллаб-қувватлайди, ёхуд унга ўз хайрихоҳлигини билдиради. «Партиясизлик» ниқоби остига бурканган буржуа адабиётчиси ҳам шу буржуа тузумини ҳимоя қилади.

Адабиётнинг партиявийлиги, бу пролетар ғоясидир, деб ўқтиради В. И. Ленин, чунки пролетариат ҳаётнинг ҳаққоний тасвирланишидан манфаатдордир. Партиясизлик ғояси — бу буржуазия ғоясидир, чунки буржуазия ҳаётдаги социал қарама-қаршиликларнинг тўғри тасвирланишидан қўрқади.

В. И. Ленининг мақоласида энг муҳим масала — ёзувчининг ижодий ва бадиий ижоднинг ғоявийлиги масаласидир. Бадиий ижоднинг ғоявий йўналиши эса воқеаликка синфий ёндошиш, жамиятнинг у ёки бу синфи қарашларини ёқлаш ва ҳимоя қилишда кўринади.

«Адабиёт иши, — умумпролетар ишининг бир қисми бўлиши керак, бутун ишчилар синфининг бутун онгли авангарди юргизиб турган ягона, катта бир социал-демократик механизмнинг «парракчаси ва винтчаси» бўлмоғи керак». (В. И. Ленин адабиёт ҳақида. Ўздавнашр, 1958. 7-бет). Бу билан В. И. Ленин социал-демократларнинг ўнг қанотчи вакилларининг оппортунистик концепциясига, яъни адабиёт ва санъат ишларига «аралашмаслик» керак деган концепциясига ҳам қаттиқ зарба беради.

Партиявийлик санъаткор таланти ва ташаббусини бўғиб қўймайди, балки талантнинг ривожи учун янги уфқлар очади. «Адабиёт ишини механик суратда бир текликка солиб бараваралаш, бу ишда оччиликни кўпчиликка бўйсундириш ҳаммадан ҳам ёмон». Ҳеч шубҳа йўқки, бу ишда шахсий ташаббусга, шахсий қобилиятга, фикр ва хаёлга, форма ва мазмунга майдонни кенг очиб бериш мутлақо зарур» (шу китоб, 7-бет). Шундай қилиб В. И. Ленин адабиётнинг ижтимоий ҳаётга таъсири ва жамиятда тутган ўрнини қайд қилиш билан бирга, унинг ўзига хос специфик хусусиятини инкор қилмайди. Яъни вақтларда, адабиётимизда догматизм ва ҳаётни бўяб кўрсатиш ҳоллари юз берганда, юқоридаги ленинча қоидага эътибор берилмаган эди.

Доҳиймиз ўз мақоласида, пролетариат адабиётининг эркин адабиёт бўлишлигини таъкидлайди. Буржуазия дунёсининг икки юзламачи «эркин» адабиётига ҳақиқий эркин адабиётни: пролетариатнинг озодлик кураши билан боғлиқ бўлган, меҳнаткашларни бахтли қилишдек улуғ идеаллар билан боғлиқ бўлган, «мамлакатнинг гули, унинг истиқболи, унинг куч қуввати» (шу китоб, 10-бет) ҳисобланмиш миллионлаб кишиларнинг тақдири билан боғлиқ бўлган эркин адабиётни қарши қўяди.

Ҳозирги кунда социалистик реализмнинг партиявийлик принципи билан қўролланган коммунизм адабиётчиниг вакиллари ижтимоий ҳаётнинг олдинги сафида бориб, шахснинг ҳар томонлама гармоник ўсиши, янги жамият кишисининг коммунизм идеаллари билан боғлиқ бўлган гўзал образини яратишда, бадиий ижод маҳоратини эгаллашда катта муваффақиятларга эришмоқда.

Адабиёт халқ ҳаёти билан яқинлашиб, унинг кўп қиррали томонини чуқур ва дадиллик билан тасвирлаб бермоқда ва унинг коммунистик жамият қуришдаги роли ошмоқда.

В. И. Ленининг ўлмас ғоялари билан суғорилган коммунизм адабиёти давр олдидаги вазифасини муваффақиятли бажариш борасида дадил қадам ташлаб бормоқда.

Ф. ИСМОИЛОВ,
Тошкент Давлат педагогика институтининг ўқитувчиси.

МАТБУОТ ОБЗОРИ

ИСТИҚБОЛ УФҚЛАРИ

Коммунистик қурилишда саноатимизнинг ҳал қилувчи аҳамияти ҳаммага аён. Фақат юксак даражада ривожланган саноат ишлаб чиқариш туфайлигина социалистик хўжалигимизнинг бошқа соҳаларини ҳам олға бостириш, янги жамият қуриш жараёнини тезлаштириш мумкин. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари саноатни ривожлантиришнинг ёрқин уфқларини кўрсатиб берди. Жонажон партиямиз доно кўрсатмаларига амал қилган минглаб корхоналар, қурилиш ташкилотлари ўз фаолиятларини янгича қуриб, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарасини кўпайтириш борасида дастлабки ижобий қадамлар қўймоқдалар. Бу ижобий қадамлар, ишчилар синфининг, саноатимиз марди майдонларининг ижодий меҳнати Наманган шаҳрида чиқаётган «Наманган ҳақиқати» газетаси саҳифаларида ўз аксини топмоқда.

Газета саҳифаларида корхоналар, қурилишларда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот сифатини бутун чоралар билан яхшилаш, янги техника ва прогрессив иш усулларини кенг жорий қилиш борасида қилинаётган ишлар, бу соҳада юз бераётган камчиликлар маҳорат билан очиб берилмоқда, кескин, изчил танқид қилинмоқда.

Шуниси қувончлики, «Наманган ҳақиқати» газетасида саноатнинг иқтисодий масалаларига ўз эътибор бериляпти. Чунончи, шаҳардаги Гагарин номли тикувчилик фабрикасининг директори Ўртоқ М. Азимовнинг «Экономикани юксалтириш йўлида» сарлавҳали мақоласи корхона коллективининг совет ишлари дидига мос кийим-кечак тайёрлаш, ишлаб чиқаришга кетадиган сарфларни тобора камайтириш, коллектив аъзоларининг моддий манфаатдорлигини ошириш масалаларига бағишланган. Автор ишчиларнинг, мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини оширишга нечоғли катта таъсир кўрсатаётганлигини ҳарактерли мисолларда очиб беради. Шу билан бирга, КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари ишлаб чиқаришни планлаштириш, корхона раҳбарларининг мустақиллигини таъминлаш борасида ажойиб уфқлар очиб берганини мамнуният билан таъкидлайди. Трансформатор заводининг директори Ўртоқ Р. Болтабоевнинг «Наманган марказ обрўли бўлсин» сарлавҳали мақоласида ишлаб чиқаришнинг муҳим масаласи тилга олинган.

10-қурилиш трести — шаҳарнинг энг йирик қурилиш ташкилотидир. Мазкур коллективда республикада хизмат кўрсатган биноқор Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдулла Воҳидов ҳамда Каримжон Акбаров, Мамагиёз Илёсов, Саъдулла Сайфиддинов, Муҳиддин Раҳимов каби қўлбола моҳир қурувчилар бор. Шаҳар газетаси ана шу йирик коллективнинг фидокорона меҳнати, шарафли ишларини мунтазам ёритиб бормоқда. Айниқса трест ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи Ўртоқ Б. Нутов билан ўтказилган ҳамда газетада босилган суҳбат диққатга сазовордир. Унда қурилишнинг актуал масалалари тилга олинади, қимматли фикр, мулоҳазалар билдирилади. Шуниси характерлики, Ўртоқ Нутов трест эришаётган зўр муваффақиятларда партия ташкилоти, коммунистларнинг ташкилотчилик, тарбиявий роли гоят катта бўлаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Редакция коллективининг ижодий фаолиятида камчиликлар ҳам йўқ эмас. Газета коллективи саноат масалаларини КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари илгари сурган ғоялар даражасида ёритиш учун яна кўп ишларни бажариши керак, ҳал ижодий изланиши лозим. Ҳали газетада саноат темасида берилаётган бош мақолалар ҳамма вақт ҳам талабга жавоб бермайди. Уларда ишлаб чиқаришнинг туб масалалари баъзан четлаб ўтилади. Айрим таниқли мақолаларнинг натижалари бериб борилмайди. Айтайлик, янги газетанинг янги, ёш, ижодкор коллективи бу камчиликларни тез орада тугатиб, шаҳар саноатининг янада тараққий этишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади.

КИНЕМАТОГРАФЧИЛАР СЪЕЗДИДА

Съезднинг 24 ноябрдаги мажлиси А. Карагановнинг кинематографчилар союзи устави тўғрисидаги доклади билан бошланди. Ана шу муҳим ҳужжатда кино ходимларининг юксак бурчлари тўғрисида ҳам, уларнинг ҳуқуқлари ҳақида ҳам, союзнинг ҳар бир аъзоси ўз санъати билан халқнинг Ленин идеялари тантанаси учун кун сайин олиб бораётган курашига ёрдам бериши лозим эканлиги тўғрисида ҳам гапирилади.

Нотиқлар устав тўғрисида ҳам, Л. Кулиджановнинг «Коммунистик қурилиш ва совет кинематографиясининг вазифалари» тўғрисида қилган кечаги доклади ҳақида ҳам, кино санъатини юксак даражага кўтариш учун нима қилмоқ кераклиги тўғрисида ҳам кўп гапирдилар.

Ҳамма нутқлар тўғрисида батафсил тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Биз ўз фикримизча съезд қатнашчиларидан кўпчилигининг қарашларини акс эттирадиган энг мароқли фикрларни баён қилиб берамиз. Кино драматурги А. Каплер яхши сценарий фильмларнинг сифатли бўлиши учун биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги тўғрисидаги масаланы кескин қилиб қўйди. Адабий асоснинг заифлиги одатда мазмуни саёз бўлган картиналарнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

А. Каплер айтадики, кино ходимлари анча вақтдан буён бир-бирларига «раҳм» қилиб, ўз ишларини чиканам санъаткорга хос тарзда талабчанлик билан танқид қилмай қўйдилар. Бу эса хусусан замонамиз тўғрисидаги темаларга бағишланган кино картиналар сифатини оширишга халақит беради. «Талант — халқникидир», — деб таъкидлади ленинградлик режиссёр А. Иванов. Ходимларга, хусусан ёш ходимларга эътибор билан қараш керак, майда-чуйда ишларга аралашмай, уларга ёрдам бериш, уларга кўпроқ ишонич, уларнинг ижодий ўсишини жадаллаштириш учун бутун шарт-шароитни яратиб бериш лозим.

Миллий республикалар кино санъати намояндаларининг нутқлари зўр эътибор билан тингланди. Т. Левчук (Украина), С. Кеворков (Арманистон), Л. Файзиев (Ўзбекистон) партиянинг «Санъат мазмунан социалистик, шаклан миллий санъат бўлмоғи керак» деган принципи ўзгармас, мустаҳкам принцип эканлиги тўғрисида гапирдилар. Ёзувчи С. Михалков ўз нутқини «Бизда комедияларнинг камлиги жуда кулгили бир ҳолдир», деган сўзлар билан бошлади. Сўнгра у «Фитиль» киножурнали ҳақида гапирди. Машҳур актёр М. Жаров жуда ёрқин, мазмунли нутқ сўзлади.

— Кинода, деди у, сценарийчи, режиссёр, актёр, рассом, композитор ва ҳоказолар ўзларига муносиб ўринларни эгаллайдилар, деган қоида бор. Бу қоида кино асарини яратишда қатнашувчилардан ҳар бирининг ўрнини белгилаб беради. Аммо кўп режиссёрлар ижрочи актёрни кейинги ўринга қўядилар. Бундай қилиш нотўғри.

Сўзга чиққан ўртоқларнинг ҳаммаси кинокартиналарининг, шу жумладан ҳужжатли ва оммабоп илмий фильмларнинг ғоявий-бадиий савиясини кескин суратда ошириш зарурлиги ҳақида, саёз асарларнинг экранга чиқарилишига йўл қўймаслик кераклиги ҳақида яқдил гапирдилар. Нотиқлар халқ тўғрисида, халқ учун замонамизга мувофиқ кино асарларини яратишга даъват этдилар.

А. РОМАНОВ.

(ТАСС).

МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

Наманган райони ўзининг катта «оқ олтин» хирмони билангина эмас, пилласи, шириншакар меваси билан ҳам республикага машҳур. Ана шу шуҳратни яратаётган кишилар ҳақида, меҳнат аҳлининг етакчиси бўлган коммунистлар тўғрисида гапирмай бўладими? Ҳа, коммунистлар пахтакорларнинг ҳақиқий маслаҳатгўйи, ташкилотчиси эканликларини амалда кўрсатяптилар.

Маълумки, сўнгги йилларда-ги ўринсиз қайта қуришлар, раҳбарликдаги субъективизм партия ташкилотларининг фаолиятига, коммунистларнинг ташаббускорлик ва авангардлик ролига бирмунча путур етказди. Лекин рўй-рост айтганда, Наманган коммунистлари ана шу шароитда ҳам жанговарликни бўшаштирмадилар. Кишилар билан ишлаш, коммунистларнинг оммя ўртасида шахсий намуна кўрсатиши ҳамма вақт уларнинг диққат марказида бўлди.

Партия органларини ташкилий жиҳатдан илгариги изига қайтариш эса партия ташкилотларининг ташаббускорлигини янада ошириб юборди. Тажриба шуни кўрсатдики, партиявий-ташкилий ишларни ишлаб чиқаришга яқинлаштириш меҳнатни ташкил этишни, кишиларга таъсир ўтказишни анча осонлаштирди. Масалан, 250 бригадага бошчилик қилаётган, 373 тракторнинг ролини бошқараётган коммунистлар севосита бригада партия ташкилоти олдида ҳисоб берадиган ва ишда масъулият сезадиган бўлиб қолдилар. Оддий коммунистларнинг ҳам ташаббус ва активлиги ошди. Улар ишдаги камчиликларни юз-хотир қилмай очиб ташладилар, умумий ишга манфаат келтирувчи ҳар бир янгиликни биринчи бўлиб қўллаб-қувватладилар.

ҚИШЛОҚ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ИШ ТАЖРИБАСИДАН

Бошланғич партия ташкилотлари тузилгани бригада советлари ишини яхшилашга ҳам имкон яратди. Бригада советларига тажрибали сувчилар, механизаторлар, кекса пахтакорлар ва жамоатчи аёллар билан бирга партия ташкилотининг секретари ҳам сайланди. Бу эса советлар ишининг мазмунини ўзгартирди. Энди-ликда улар фақат деҳқончилик масаласи билан шуғулланмай, балки колхозчиларни пенсияга узатиш, тўйларни янгича ўтказиш, ёшларни армияга узатиш ва кутиб олиш, жамоат тартибини менсимайдиган айрим енгилтакларни тарбиялаш, ишлаб чиқариш илғорларини район «Шавкатли меҳнат китоби»га тавсия этиш сингари бир қанча масалалар билан шуғулланадилар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленуми райкомнинг партиявий-ташкилий ишларни янада яхшилаши учун чинакам катта мактаб бўлди. Шу вақтгача район партия комитетининг айрим аъзолари конференциядан конференциягача бўладиган йиғилишларда қатнашар, райкомнинг кундалик фаолиятида эса сезиларли иш қилмас эдилар. Март Пленумидан кейин ишдаги ана шу нуқсон ҳам тугатилди. Ҳозир райком аъзолари навбат билан бюро мажлисига масалалар тайёрлаш, шикоят ва аризаларни текширишга актив кўмаклашмоқдалар.

Ҳар бир партия ходимига, унинг қандай лавозимдалигидан қатъи назар, конкрет масъулият юклангани ишга ижобий таъсир кўрсатяпти. Райком бюросининг аъзолари ҳам ишнинг маълум участкаси учун жавобгардирлар. Масалан, бюро аъзоси Ўртоқ Ш. Муҳиддинов хўжаликларни сув билан таъминлаш, янги ерларни ўзлаштириш масалалари билан шуғулланади. Бу тадбир эса сув танқис келган бу йилги шароитда жуда қўл келди. Бюро аъзоси, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошлиғи Ўртоқ Н. П. Цой хўжаликларга техника, минерал ўғит ва заҳарли химикатлар етказиб бериш ҳамда улардан жойларда қандай фойдаланилаётгани билан шуғулланган бу соҳадаги айрим нуқсонларни тугатиш имкониятини берди.

Райком бюроси ва унинг бўлимлари КПСС Марказий Комитети март Пленумидан кейин колхоз бошланғич партия ташкилотларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ролини оширишга эътиборни янада кучайтирдилар. Район партия комитети ўзининг кундалик фаолиятида бошланғич партия ташкилотларига таянмоқда, омма ўртасида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйишда уларга ёрдам бермоқда. Райком секретарлари И. Набиев, М. Отабоев, бўлим мудирлари С. Комиссаров, Б. Халилов ўртоқлар хўжаликларга бориб, бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти билан тез-тез қизиқиб турадилар, уларга йўл-йўриқ кўрсатадилар.

Натижада шу йилнинг ўтган даври ичидаёқ район партия ташкилоти сон ва сифат жиҳатидан анча ўсди. Йилнинг биринчи ярмида бошланғич партия ташкилотлари ишлаб чиқариш илғорларидан 95 кишини партия аъзоси кандидатлигига қабул қилди. Шулардан 20 киши колхоз қишлоғининг машъал хотин-қизларидир. Партиявий-ташкилий ва сиёсий-тарбиявий ишларнинг яхшиланишида бошланғич партия ташкилотлари секретарлари учун ташкил этилган доимий семинарнинг аҳамияти катта бўлди. Бу семинар машғулотларида райком секретари Ўртоқ И. Набиев «Партия йиғилиши — бошланғич партия ташкилотининг олий органи», Свердлов номли колхоз партия комитетининг секретари Ўртоқ А. Мамажонов «Колхоз партия комитетининг бригада бошланғич партия ташкилотларига раҳбарлик қилиш услуби» ҳақида лекция ўқидилар.

Кишилар билан ишлаш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини жамоат манфаатлари билан тўғри қўшиб олиб бориш ўзининг дастлабки самараларини беряпти. Сув танқислиги сабабли вужудга келган бу йилги оғир шароитда ҳам пахтакорлар кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Район хўжаликларида коммунистчасига яшаш, ишлаш ва ўқиш шиори остидаги умумхалқ мусобақаси кенг қулоч ёймоқда.

Наманган райони меҳнаткашлари «оқ олтин» сотиш планини муддатидан илгари бажариб, ҳозир мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Буларнинг ҳаммасида район партия комитетининг, хўжаликлардаги бошланғич партия ташкилотларининг роли катта бўлди. Район коммунистлари қўлга киритилган муваффақиятлар билан мағрурланиб кетмай, қишлоқ меҳнаткашларини партиямиз XXIII съездини муносиб кутиб олиш учун шижоат кўрсатишга сафарбар қилмоқдалар.

Е. ОРТИҚОВ.

ҚАЛАМ

Менга ҳамроҳ бўлдию қалам
Кумуш тонгни кутдик биз уйғоқ.
Менга ҳамроҳ бўлдию қалам,
Дил уйимни айлади сўроқ.

Қалбим ғунча янглиғ яширмиш
Бу уйқусиз тунлар сирини.
Билмам, қалам ҳарён таширми
Очсам унга қулфи дилимни.

Дил-хазинам асраган дури
Маржон каби сочилмасмикин?
Киборлардан йироқ бу кўнглим
Ҳасратлари очилмасмикин?

Қалам менга бўлдию ҳамроҳ
Сўроқларга кўмди дилимни.
Сукутдаман, қийнар бир
жумбоқ,
Лол айламиш буткул тилимни.

Майли, сукут сақлагум ҳали
Менга сирдош бўлмагунича.
Ёнсин майли юрак гулхани
Меҳр ўти сўнмагунича.

Менга ҳамроҳ бўлармиқалам
Дош берарми қийноқларимга.
(Беҳудадир ўйларим, қайдам)
Ҳозирми у сўроқларимга?

Бедорликдан кетмасми синиб,
Қаламтарош излатмасми ҳеч?
Дўстлигимиз ўткинчи билиб,
Йўлларида бўзлатмасми ҳеч?

Мангу ҳамроҳ бўлармиқалам
Олис ҳаёт сўқмоқларида?
(Оҳ, қўлимга олдим қайданам)
Оташ ёнар дудоқларимда.

Эътибор ОХУНОВА.

Чорва қишловини намунали ўтказайлик

ЭНГ МАСЪУЛИЯТЛИ ДАВР

Ўзбекистон чорвадорлари бу йил астойдил меҳнат қилиб, чорвачиликнинг бир қатор турлари бўйича яхши кўрсаткичларга эришдилар. Масалан, ўн ой мобайнида ўтган йилнинг шу вақтидагига нисбатан 23,2 минг тонна кўп сут етиштирилди ёки ҳар бош сигирдан ўртача 96 килограмм кўп сут соғиб олинди. Тухум етиштириш 11,1 миллион дона ошди. Сигирлар сони 6,4 минг бош ортди. Ҳар юз бош сигирдан пландагидан 10 та ортиқ бузоқ олишга эришилди. Қўй ва эчкилар, чўчқалар сони ҳам кўпайди. Молларнинг нобуд бўлиш ҳоллари анча камайди.

Кўпгина колхоз ва совхозлар ўтган йили қишга намунали тайёргарлик кўриш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш туфайли бир бош молни ҳам нобуд қилмадилар, ҳамма молларни қишдан семиз ва соғлом олиб чиқдилар. Бу билан улар чорва молларнинг маҳсулдорлигини ошириш ва давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш планларини ўз вақтида муваффақиятли бажариш имкониятига эга бўлдилар. Нурота ва Фориш районларининг совхозлари, Тошкент областидаги 4-«Чиноз», Самарқанд областидаги «Каттақўрғон» совхозлари, Бухоро областидаги «Конимех» давлат наслчилик заводи, «Коммунизм», «Октябрь 40 йиллиги» совхозлари, Тошкент, Сирдарё ва бошқа областлардаги кўпгина колхозлар шулар жумласидандир.

Бу илғор районлар ва хўжаликларнинг тажрибаси республикамизнинг ҳамма колхоз, совхозларида молларни қишдан семиз олиб чиқиш учун барча имкониятлар мавжудлигини кўрсатиб турибди. Бунинг учун чорва қишловига яхши тайёргарлик кўриш талаб этилади. Афсуски, ҳамма жойда ҳам бундай қилинаётгани йўқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг шу йил октябрда чорва моллар қишловига тайёргарликни кучайтириш тўғрисида қабул қилган қарори қандай бажарилаётгани юзасидан ёппасига ўтказилган текшириш ана шуни кўрсатди.

Республика колхоз ва совхозлари 1965 йил учун белгиланган дағал хашак тайёрлаш планини бажармадилар. 20 ноябргача йиллик планнинг фақат 79,6 проценти миқдорида дағал хашак жамғарилди. Бундан ташқари, ўтган йилдан қолган 598 минг тонна дағал хашак бор. Силос бостириш плани энди 54,7 процент адо этилди. Ҳар бош сигир ҳисобига пландаги 10 тонна ўрнига атиги 6,1 тоннадан силос бостирилди. Қашқадарё областида ҳар бир сигир ҳисобига бостирилган силос бор-йўғи 1,6 тоннадан, Бухоро областида 3,1 тоннадан, Самарқанд областида 3,1 тоннадан, Қорақалпоғистон АССРда 4,3 тоннадан, Сурхондарё областида 6,3 тоннадан тўғри келади.

Айниқса узоқ яйловларда чорвачилик биноларини ремонт қилиш ва янги иссиқ бинолар қуриш ишлари ҳаддан ташқари суст боряпти. Чунончи, узоқ яйловлардаги чорвачилик бинолари ҳозир мавжуд бўлган қорамолларнинг 90 процентини, қўй ва эчкиларнинг 89 процентини, отларнинг 40 процентини сиғдира олади. Ҳолбуки ҳамма молларни қишда кечалари иссиқ биноларда сақлаш керак. Шунинг учун чорвачилик биноларини ремонт қилиш ва янгиларини қуриш суръатини кескин жадаллаштириш лозим.

Бу йил республикадаги кўпгина колхоз ва совхозларда молларни асосан пояси қаттиқ, озуқалик қуввати кам бўлган хашак билан боқишга тўғри келади. Шунга кўра ҳар бир хўжаликда хашак йиғиш ва сақлаш ишларини тўғри ташкил этиш, уни молларга машиналарда майдалаб ва концентрат озуқаларга аралаштириб ва димлаб едириш зарур. Сомон, похол ва шунга ўхшаш дағал хашакларнинг тўйимлилигини ошириш мақсадида ҳар бир фермада уларни оҳаклаш ва ачитиш керак. Бу эса хашакдан тежаб-тергаб фойдаланиш, унинг озуқалик қувватини ошириш имконини беради.

Хашакни молларга едириш учун тайёрлаш ва унинг тўйимлилигини оширишни тўғри ташкил қилиш учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги 1964 йилда ва 1965 йилнинг бошида колхоз ҳамда совхозлар, район ва область қишлоқ хўжалик бошқармалари чорвачилик ходимларининг, шу йил май ва июнь ойларида эса область қишлоқ хўжалик бошқармалари чорвачилик бўлимларининг бошлиқлари ва район қишлоқ хўжалик бошқармалари бош зоотехникларининг кенг иштирокида химия фани ютуқларини чорвачиликда амалий қўлланиш юзасидан Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг тажриба базасида семинарлар ўтказди. Бу ҳақдаги қўлланма, плакат ва брошюралар ҳар бир колхоз ва совхозда, ҳар бир район ва область қишлоқ хўжалик бошқармасида бор.

Энди гап семинарларда олинган билимнинг турмушга тадбиқ этилишида, яъни химия фани ютуқларидан чорвачиликда моҳирона фойдалана билишда қолди. Хўжаликларнинг зоотехника-ветеринария ходимлари семинарларда ўрганганларини, қўлланма ва брошюралардан ўқиб билганларини чорвадорларга қунт билан ўргатишлари, карбамидни силос ва бошқа озуқаларга аралаштириб фойдаланиш, дағал хашакни химиявий усул билан қайта ишлаш, ачитиш, бузоқларга ва чўчқа болаларига ичириш учун сутнинг ўрнини босадиган суюқ модда тайёрлаш ҳамда уни қандай ичириш йўлларини амалда кўрсатиб беришлари керак.

Чорва моллар ва паррандаларни қишда витаминга бой озуқалар билан етарли таъминлаш мақсадида гидропоника усулида кўкат тайёрлаш, бундан ташқари, беда хашагини юқори сифат билан қайта ишлаб, уни молларга талқон ҳолида едириш лозим.

Мавжуд техниканинг ҳаммасидан унумли фойдаланиб, чорвачиликдаги барча иш жараёнларини механизациялаш қишловни муваффақиятли ўтказишда ғоят катта аҳамиятга эгадир. Дағал хашакни ва концентрат озуқаларни майдалайдиган машиналар ҳар бир хўжаликда мавжуд. Колхоз ва совхозларда хашак янчадиган икки мингдан кўпроқ «ДКУ-1» маркали универсал машина, 644 та «ИГК-30» маркали машина ва 1940 дона сомон-силос майдалагич бор. Бу техниканинг ҳаммасини ишга солиш зарур. Республика хўжаликларида хашакни молларга тайёрлаб беришда техникадан унумли фойдаланиш имконини берадиган 369 та яхши жиҳозланган махсус кухня ва озуқа майдалаш цехлари мавжуд. Яна қўшимча равишда 356 та объект қуриляпти. Озуқа тайёрлайдиган кухняларнинг кўпчилик қисми инженер Нарижной лойиҳаси асосида қурилган бўлиб, улардаги машиналар озуқани чорва молларга едириш учун тўғри тайёрлаш имконини беради.

Лекин айрим колхоз ва совхозларда озуқа тайёрлайдиган кухняларнинг аҳамиятига етарли баҳо берилмаяпти. Ана шундай хўжаликларда қурилиш ишлари сунъий равишда орқага сурилмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир неча бор кўрсатма берганига қарамай, Сирдарё ҳамда Самарқанд областларининг колхоз ва совхозлари Нарижной усулида озуқа кухнялари қурилишига шу вақтгача киришганлари йўқ. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм областлари ва Қорақалпоғистон АССРда озуқа тайёрлайдиган кухнялар қурилиши жуда секин боряпти.

Барча чорва молларини қисқа вақт ичида бирма-бир кўздан кечириб чиқиш, заифларини ва касалга чалинганларини ажратиб олиб, алоҳида боқиш, уларга фақат майдаланган озуқалар едириш, дағал хашак талқонини албатта концентрат озуқаларга аралаштириб бериш керак. Алоҳида боқишга қўйилган ориқ молларнинг аҳволини қиш бўйи ҳар ўн кунда текшириб туриш, боқишда йўл қўйилаётган камчиликларни ўз вақтида тузатиб бориш зарур.

Хўжаликларнинг эҳтиёжидан ортиқча бўлган дағал хашакларни пресслаш ва уни озуқа етишмаётган колхоз ҳамда совхозларга ташиб келтиришни ташкил этиш—шу кеча-кундузда қилинадиган жуда муҳим ишдир.

Эрта баҳорда молларни озуқа билан таъминлашнинг резервларидан яна бири—жавдар, шабдар ва бошқа озуқабоп экинлар экишдир. Бу йил республикамизда 40 минг гектар ерга жавдар экиш мўлжалланган эди. 1 ноябргача бу соҳадаги топшириқ атиги 41,5 процент адо этилди. Тошкент областида бор-йўғи 600 гектар, Сирдарё областида 1400 гектар, Фарғона областида 4100 гектар, Андижон областида 3400 гектар, Самарқанд областида 4040 гектар, Бухоро областида 1400 гектар майдонга жавдар экилди. Кўриниб турибдики, Тошкент, Сирдарё ва Бухоро областларида жавдар экиш ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Бу камчиликка тезда барҳам бериш, жавдар экишни ҳамма жойда тезроқ тугаллаш керак.

Чорвадорлар ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш, уларнинг эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўла қондириш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, ферма ходимларини, айниқса чўпон-чўлиқларни иссиқ пойафзал, уст-бош, уй-жойлар билан етарли таъминлаш лозим.

Нурота райони чорвадорларининг ватанпарварлик ташаббусини ҳамма чорвачилик фермаларининг коллективлари ўртасида кенг муҳокама қилиш, КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани кун сайин авж олдириш, шу тариқа барча молларнинг қишдан семиз ва соғлом чиқишига эришиш керак. Бу—1966 йилда урғочи моллардан кўпроқ соғлом бола олишда, гўшт, сут, жун ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда биринчи даражали аҳамиятга эгадир.

Б. НОСИРОВ,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги чорвачилик бошқармасининг бошлиғи, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

ЯНГИЧА ЎЙЛАР, ЯНГИЧА ТЎЙЛАР

НУРЛИ ОҚШОМ

Тикувчилик устахонасида иш тугади. Қизлар, жувонлар иш ўринларини саранжом-саришталаб қўйдилар. Лекин улар, негадир уйга кетишга ошиқмаяптилар. Бугун чеварлар янги атлас, кимхоб кўйлакларини кўз-кўзлаб, одатдагидан бошқачароқ ясаниб келишган. Ҳаммаларининг чеҳраларида шодлик. Қўлларида гулдасталар, совғалар.

Ҳа, Ленин номли тикувчилик фабрикасининг ёшлари шўх, чевар Набоҳатхоннинг тўйига отланишяпти. Мана, ҳамма тўпланди, энди йўлга тушаверсалар ҳам бўлади. Чеварлар йўл-йўлакай суҳбатлашиб, тўйхона томон юрдилар.

— Баъзи кексаларимиз тўйни эслесалар, негадир йиғлагилари келади, — деди Дилором деган қиз.

— Тўғри-да, уларнинг вақтида қизларнинг кўнглини сўрамай, бутунлай танимаган-билмаган, кўпинча ўзидан йигирма-ўттиз ёш катта кишига зўрлаб беришарди, — деди ҳамкасби Зоя опа. — Додингга ҳам, фарёдингга ҳам қулоқ солишмасди. Ҳозир-чи? Ота-оналар қизларининг бахти учун парвона бўлишади. Мана, Набоҳатнинг ота-оналари у ўқийман деса ўқитишди, ишлайман деса ишлатишди. Муқимий театрининг дирижёри Эргашжонни яхши кўрар экан, ота-оналари бунга ҳам йўқ дейишмади. Чунки, қизининг бахти — уларнинг ҳам бахти.

Ҳақиқатан, янгича тўйга бораётган бу ёшлар янгича ўйлашарди. Ўтмишда чор девор ичида гулдай юзлари сўлган, бахт деб юраклари эзилган қиз-жувонларнинг аччиқ қисмати бу ёшлар учун энди фақат тарих, хотира бўлиб қолди, холос. Тўғри, ҳозир ҳам, айрим кишилар фарзандларининг бахтига эскича, юзаки қарайдилар. Лекин, ёшлар ўз бахтларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишяпти...

Чеварлар чақчақлашиб, ҳазил-мутоиба қилиб, тўйхонага етиб келишди. Озода ҳовли ҳам, тўйга хос ясатилган айвонлар ва хоналар ҳам одамлар билан гавжум. Ҳовлининг чор атрофига стол, стуллар қўйилиб, дастурхон ясатилган. Бугун келин-куёвнинг ота-оналари, узоқ-яқин қариндошлари, дўстлари шодлик билан гур-гурра келаётган меҳмонларни қарши олишяпти, уларнинг табрик сўзларидан бошлари кўкка етяпти. Мана, остонада куёв-келин Эргашжон ва Набоҳатхон ҳамда уларнинг дўстлари пайдо бўлади. Келгуси турмушда, меҳнатда диллари оқ, ишлари пок бўлсин деб, келин-куёвнинг йўлига оппоқ пойандоз солишади. Софдил ота-боболаримиздан қолган бу яхши одатни кишиларимиз қадрлайдилар. Келин-куёвни ҳамма ўрнидан туриб, гуллар ва қарсаклар билан кутиб олишади. Бахтиёр ёшлар шодиёна музика садолари остида, жойларига ўтиришар экан, диллари қувончга тўлади. Бу, рўёбга чиққан орзулар оқшоми, қувноқ хандалар, жозибадор куйлар оқшоми. Нафосат тўла рақслар, булоқ сувидай мусаффо тилаклар оқшоми. Келин-куёв, муҳаббатга ташна кўзлар кўзларга тушган, оташ ва пок диллар дилларга туташган бу оқшомни сира ёдларидан чиқармайдилар. Бу тонг нурлари завқли, ижодкор меҳнатга тўла бутун умр йўлини ёритади.

Набоҳат йигирма тўрт ёшда. У Ленин номли тикувчилик фабрикасининг моҳир чеварларидан. У тиккан чиройли кийимлар кишиларнинг бағрини иситади, ҳуснига ҳусн қўшади. Набоҳат ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент тўқимачилик институтининг тўртинчи курсида ўқийди. Келгусида моҳир инженер бўлиши турган гап.

Куёв — Эргашжон ҳам хуш табиати, санъатга иштиёқи билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонган. У ёшлигидан санъатга ҳавас қўйиб, ўрта мактабни битиргач, Тошкент давлат консерваториясига кириб ўқиди. Ҳозир Муқимий номли драма театрида дирижёрлик қилади. Эргашжон ёқимли наво сеҳри билан минглаб кишиларга завқ, шодлик бағишлайди.

Янгича тўй тантанасини Ўзбекистон театр жамияти раисининг ўринбосари Раҳим Қориев очади. У, тўйга тўпланган меҳмонлар, дўстлар, ўртоқлар номидан Эргашжон ва Набоҳатхонни нурли оқшом, шодиёна дамлар билан, янги, ширин турмуш билан кутлайди.

Эргашжоннинг яқин дўсти, ҳамкасби, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ботир Зокиров келин-куёвга меҳнатда ва турмушда, тилда ва дилда ҳамиша ҳамроҳ бўлишларини, ширин, тотув ҳаёт кечиришларини тилайди.

СССР халқ артисти Тамарахоним ўзининг ёшлик чоғларини хотирлаб, ҳозирги ёшларни бахтиёр кунларга, нурли оқшомларга етказган ота-оналарга, кекса авлод кишиларига ташаккур айтади. У ўз замондоши, революция куйчиси, шоир Ҳамза Ҳакимзоданинг «Яша шўро» ашуласини айтади. Сўнг Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров табрик учун севимли дуторини қўлига олади. У лирика мухлисларига «Жафо қилма» ва қувноқ ханда ишқивозларига «Майсаранинг иши» комедиясидан хушчақчақ Мулладўст қўшиғини ижро қилади.

Айвонда меҳмонлар орасида чақчақлашиб ўтирган севимли санъаткор Лутфихон опа Саримсоқова аввал «Нурхон» драмасидан муштипар она қўшиғини айтиб, ўзбек аёлларининг оғир ўтмишини, машаққатли курашини хотирлайди. Сўнг озод совет хотин-қизларининг бахтли турмуши ҳақида ҳикоя қилувчи қувноқ кампир тилидан «Рўмолим учи қалин» ашуласини айтиб беради.

Куй кетидан куйлар, қўшиқ кетидан қўшиқлар, рақс кетидан рақслар уланиб кетди. Табрик кетидан табриклар, тилак кетидан тилаклар, шодиёна кулги кетидан кулгилар уланиб кетди. Барчасининг мазмуни ягона: Табаррук инсон янги турмушга қадам қўйяпти. Нурли оқшомингиз қутлуғ бўлсин, бахтиёр ёшлар!

М. МАҲМУДОВ.

ТАЖРИБА КВАРТАЛИ

ГУЛИСТОН. Мирзачўлдаги «Фарғона» совхозида тажриба учун квартал қурилди.

«Средазгипроводхлопок» институтида янги қурилишнинг плани бор. Совхоз кўчалари белгилаб қўйилган квадратда ўн битта икки қаватли уйлар жойлашган. Уйларнинг қарийб ҳаммаси бир-биридан фарқ қилади: баъзилари икки хонадонга, баъзилари тўрт хонадонга мўлжалланган бўлиб, улардаги хоналарнинг сони ҳар хил, лекин ҳамма уйларнинг бир-бирига ўхшаш томони бор: ҳар бир уй хоналаридан бирининг эшиги боғ томонга олиб чиқади.

Бу ерда томорқа участкаси янгича қурилган бўлиб, унинг ҳажми 800 квадрат метргача кенгайтирилган.

Янги квартални «Мирзачулсовхозстрой» тресги қурмоқда. Трест — ҳозирдаёқ барча ер ости коммуникацияларини: газ, водопровод, канализацияларни ўтказиб бўлди. (ЎзТАГ).

Хатларингизга жавоб берамиз

ВАЗИФАСИДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Редакция Андижон шаҳридаги 2511-автоколонна хизматчиси М. Йўлбарсовдан шикоят хати олди.

Хатда, Андижон область автотрестининг бошлиғи ўртоқ Я. Ғаниевнинг ўз вазифасидан фойдаланиб, кишиларни ноҳақ ишдан бўшатгани, давлат маблағларини талон-торож қилиб, шахсий бойлик орттириш йўлида бир қанча жиноий ишлар қилгани ва меҳнаткашларга нисбатан қўпол муомалада бўлганлиги таъкидланади.

Бундан ташқари, Ғаниев ўзига яқин бўлган кишиларни автобазаларга раҳбарлик лавозимига тайинлаган. «Ғамхўр» қариндошининг «саҳий»лигидан фойдаланган автобаза раҳбарлари машиналардан ўз шахсий манфаатлари йўлида фойдалангандир.

Шикоят хат юзасидан Андижон область партия комитети текшириш ўтказган. Область партия комитетининг секретари ўртоқ Н. Раҳимов текшириш натижаларини редакцияга маълум қилди.

Шикоят-хатда кўрсатилган камчиликлар тўла тасдиқланди. Область партия комитетининг 14 октябрда ўтказилган бюроси қарорига мувофиқ, автомобиль хўжаликларида катта камчиликларга йўл қўйганлиги ва ўз вазифасидан шахсий манфаатлари учун фойдаланганлиги сабабли Я. Ғаниев ўз вазифасидан четлатилди.

33 ЙИЛЛИК ҲИЖРОНДАН СЎНГ...

Тоғ-тоғ билан учрашмайди, одам-одам билан учрашаркан. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган опа-ука Улбўлсин билан Оқберганнинг 33 йил айрилиқдан сўнг бир-бирларини топгани бунга мисол бўлади. Ҳа, дом-дараксиз йўқолган икки гўдак 33 қовун пишиғидан сўнг дийдор кўришишди...

Юнус аканинг фарзандлари кетма-кет вафот этиб, атиги иккитаси омон қолди. Кўп ўтмай Юнус ака ҳам қазо қилди. Отадан етим қолган 5 ёшли Улбўлсин амакиси, Оқберган эса онасининг қўлида тарбияланди. Шу орада Улбўлсинлар оиласи Қизил Урдадан Тошкентга кўчиб келишди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас қизчанинг амакиси ҳам оламдан ўтиб, Улбўлсин янгаси қўлида қолди.

Бераҳм янга «бировнинг қизи менга қиз бўладими» деб Улбўлсинни тўлиб-тошиб оқаётган Салор сувига ташлади. Улбўлсинни балиқчилар қутқаришди. Сўнгра уни олижаноб кишилар тарбиялаб воярга етказишди, турмушга чиқаришди.

Улбўлсин дом-дараксиз йўқолган онаси ва укаси Оқберганни қидира бошлади. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб Оқберганни узоқ вақт излади. Охири умидини узди. Лекин ички бир нидо «қидир, укангни қидир, топасан», деяётгандек эди.

1965 йилда Улбўлсин даволанаётган Тошкент темир йўл касалхонасига Улбўлсиннинг отасини танийдиган Султонбек келди. Улар бир палатада даволанишарди. Суҳбатлашиб ўтириб, Улбўлсин укаси ҳақида гапирди. Султонбек эса Улбўлсинга Оқберган Қизил Урдада эканини айтди. Шундан кейин, ука ҳижронида эзилган аёл Қизил Урдага бориб, шаҳарда 12 Оқберган Юнусов яшаётганини аниқлади.

Шундай қилиб 33 йил дийдор кўрмаган Оқберган билан Улбўлсин топишди.

Ҳа, айтгандек, Оқберганни топишга ёрдам берган Султонбек Улбўлсин билан опа-ука тутинишди. Ҳозир Улбўлсиннинг 6 боласи бор. У Калинин районидаги Узгариш қишлоғида истиқомат қилади. Угли Пардавой бинокор, қизи Шарифа 10-синфда ўқимоқда. Қолган фарзандлари ҳам дастёр бўлиб қолишган. Оқберган эса Қозоғистоннинг Қизил Урда шаҳрида шофер бўлиб ишлайди. Унинг икки фарзанди бор.

Н. ҚОДИРОВ.



Навоий районидаги «Нарпай» совхозининг мўл ҳосил устаси коммунист Ҳабиб Ибодов бошлиқ бригадаси бу йил 127 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38,7 центнердан «оқ олтин» териб олди. Бригада коллективи совхозда биринчи бўлиб далани ғўзапоядан тозалаш ва ерни шудгорлашга киришди. Суратда (чапдан): илғор механизатор Теша Мустафоев ва бригадир Ҳабиб Ибодов ўртоқлар шудгорнинг сифати ҳақида суҳбатлашишмоқда.

А. Усмонов фотоси.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЧЎЛ ЧОРЛАЙДИ

ЖОНБЎЗСОЙНИНГ бўз ерида барпо қилинган боғларни кезиб юриб, ариқ бўйидаги шийпонга бориб ўтирдик. Пастда тиниқ сумбула суви шалдираб оқяпти. Шийпонга шундай суйкалиб ўсган ўрикнинг тепа шохларидаги япроқлар қип-қизариб турибди. Ток ўрик танасини маҳкам қучоқлаб, ўша япроқларни олмоқчи бўлгандек шохлардан-шохларга қулоч ташлаб, юқорига интилади.

Шамол ариқнинг нариги соҳилидаги қатор экилган теракларга бош уриб, шовиллайди. Дароз тераклар бўйи новчалигидан шох-шаббаси билан оппоқ ялангоч танини ёпа олмай овора.

— Бу йил сув анқонинг уруғи бўлди,— деди Шойимқул ака «Беломор»ни тортиб, дарахтларга ўйчан тикиларкан. Хаёлим бўлинди.—Тинкамизни қурита ёзди. Ҳар қандай тажрибакор деҳқон ҳам саросимага тушарди бу ҳолда. Яхши ака ҳам бекорга ташвиш тортмаган эди. Коэффициентдаги сувнинг етмишини ҳам ололмаган эдик.

У шундай деди-ю, қўлимга бир телеграмма тутқазди. Район партия ва ижроия комитети номига ёзилган эди. Ўқидим:

«Мусобақадошимиз қамашиликларни катта ғалаба билан табриклайман. Қувончларингизга биздар ҳам шерикмиз. Аммо... ўшанда бир сирни яширган экансизлар, хоғорлар».

Хоғорлар сўзининг остини чизиб қўйибди. Бизда пухта, ишининг кўзини билиб қиладиган кишиларни шундай деб аташади.

— Ўшанда биз учун жуда ташвишланган эди, мана ўзи биринчи бўлиб табриклади, — деди Шойимқул ака. Тамакиси тугаб, қоғози ёнаётган папиросни нам ерга ташлаб, брезент этигининг учи билан эзди. Хоғорлар сўзига бориб тақаладиган ўша воқеани ҳикоя қилиб берди:

Қуёш олов пуркаб, ғўзаларнинг тўқи-тўққа, пучи-пучга чиққан кезлар эди. Қаршидан бир группа мусобақадошлар келишди. Далаларни, асосан йўл ёқаларини айланиб, кечга боққа тўпланишди. Суяги меҳнатда қотган, катта-кичик, яхши-ёмонни кўп кўриб кўзи пишган, тажрибали пахтакор, Қаршидаги Карл Маркс номли колхознинг раиси. Яхши ака Омонов овқат вақтида дастурхонга тикилиб, хомуш ўтирди. Лабини қимтиб-қимтиб қўйдию дилида қайнаб турган гапларни айтмади, мезбонларнинг таъбини тирриқ қилиб, иштаҳасини бўғгиси келмади шекилли. Дастурхон йиғиштириб олингач, унга зимдан назар солиб ўтирган Шойимқул ака:

— Ҳа, тобингиз йўқми?— сўради.

Раис бош чайқади, бирдан ёрилди:

— Мен сизлардан буни ҳеч кутмаган эдим. Пахталарингизнинг «тоби» йўққа ўхшайди. Энди ўнглаб ололмайсизлар, кечикибсизлар. Қамаши бу йил планни бажара олмайди...

Район ижроия комитетининг раиси Шойимқул ака қўлларини бир-бирига қовуштириб, гуноҳкордай ерга қаради. Қозонда нима борлиги унга маълум. Мутахассислар билан пайкалма-пайкал юриб, баҳорда шудгор кўрган. Қайси ерга қанча ўғит, сув кетганини билади. Қайси хўжаликда, бригадада, район бўйича неча минг туп ғўза, қанча кўсак бор, ҳар бири неча граммдан, қачон етилади, кунига қанчадан терилса, неча кунда рапорт бериш мумкин — ҳамма-ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб қўйган эди-ю, айтмади. Ҳали пишмаган ошнинг дамини чиқаришни истамади. Гапи ичида қолди. Райкомга секретарь, кейин обкомда, партгосконтролда ишлаганида у меъёрига етмаган «гапни ютиш» фазилатларини ўрганган. Мана, ҳозир ҳамсуҳбатдошининг кўнглига озор бермаслик учун:

— Йил оғирроқ келди. Сув камчил,—деб қўя қолди.

Эртаси куни Яхши ака ўз колхозига кетиб қолди.

Орадан икки ой ўтди. Район областда биринчилар қаторида марраға етиб борди. Ўша куни шомда шу телеграммани келтириб беришган экан.

Энди дала айланганда раисни чалғитган ва «хоғор» дейишга мажбур этган бир «сир»ни айтайлик: Қамашида сув танқис бўлиши баҳордаёқ сезилиб қолган эди. Ҳамма бригадирларни районга чақиришди, аҳвол тушунтирилди:

— Ҳар ким уйида нима борлигини ўзи яхши билади. Инчунун, сизлар ҳам бригадангиздаги аҳволни ҳаммадан яхши биласизлар. Ана-шу ўғит, ана шу сув бор. Унинг кўпайишига умид боғламанглар. Иложини топиб, ўзларинг хўжайинлик қилаверинглар. Лекин тарозига лабз қилган ҳосилни қўясизлар.

Бригадирлар расамади билан иш тутиб, илгаригидек сувни ҳам, ўғитни ҳам йўл ёқаларига тўкишмади. Сув йўлларини қисқартириб, ўғитни ҳам ҳосил берадиган пайкалларга тўкишди. Йўлдан ўтган ҳам, кетган ҳам илгаригидек:

— Отасига раҳмат, шундай ғўза ўстирибди.— демади. Юзини бужмайтириб:

— Қамашиликларнинг ғўзаси бу йил чатоқ-ку, — дейишди.

Яхши ака ҳам мусобақадошлар билан келганда Жонбўзсойдаги «Коммунизм йўли», Ленин номли хўжаликларнинг йўл ёқасидаги ғўзаларини кўриб, «Йўл бўйидаги экинлари шунда-ю, катталар қадам қўймайдиган ичкариларида чиллик ўйнаса ҳам бўларканда» деган хаёлга борган эди ўшанда.

— Таваккалчилик, «хўжа кўрсин» йўқолди,— деди суюниб Шойимқул ака.— Ишларимиз илмга, ишончга мослаб қуриляпти. Илмга таянган қоқилмайди. Агар биз бригадирларга, деҳқонларга ишонмай, кўр-кўрона «ундай қил, бундай қил» деб тўраларча буйруқ берганимизда шундай қийин йилда тоғдай хирмон тиклай олармидик!..

ХУРСАНД бўлиб районни айландим. Ҳамманинг оғзида «план», «пахта», «шудгор». Катта ҳам, кичик ҳам шу ҳақда гапиради. Марказий кўчадаги пасткам, қоронғи ҳужрачада ўрта ёшлардаги сартарош дераза ёнига стул қўйиб, соч оляпти. Дўконга яқинлашишим билан навбат кутиб турганлардан бири «олдинга ўтиб кетмасин» деб хавотирланди шекилли:

— Сиз еттинчи бўласиз, биродар.— деди.

Навбатим келгунча районнинг «диққатга сазовор» жойларини айландим. Автобус тўхташ жойида биргина водопровод бўлиб, ундан жилдираб сув келяпти. Ёнида 24 та челак «навбат»га тизилиб турибди.

Бу «майда-чуйда», «икир-чикир»лар бўлсада, кишиларнинг қанча вақтини олади, асабини бузади. Тоғ-тоғ пахтани ҳеч адашмай, мисқолма-мисқол ҳисобини оладиган уддабурон раҳбарлар мана шундай жойларда навбат кутиб, қанча вақтини беҳуда ўтказадиган кишиларнинг соатларини ҳам ҳисоб-китоб қилиб кўришар, албатта.

Ўша куни Шаҳрисабздан қайтишаётган ленинободлик артистларни йўлдан ушлаб қолишди:

— Пахта тўйида халқни бир суйинтирайлик. Роса ишлашди азаматлар. Мириқиб яйрашсин...

Чимқўрғондан Ҳисор тоғигача ястанган бу катта районда юздан ортиқ мактаб бор. Колхоз, совхозларнинг ўзида ҳам қанча-қанча хушовоз ёшларни учратасиз. Уларни тўплаб, клублардаги қозиққа илинган инвентарлар — рубоб, ғижжак, доираларнинг чангини қоқиб, ҳаваскорлар тўгараги тузишса, танлаб-танлаб истеъдодлиларини олишса районда ҳар кун «мириқиб яйраш» мумкин бўларди. Шунда колхозлардаги баҳорда бир ой қурт боқилиб, кузда кўрак қуритиладиган дангиллама клублар ҳам «жонланиб» қолармиди...

* * *

УФҚҚАЧА узала тушиб ётган дашт, илангоч қирлар хаёлга чўмгандек. Кейинги икки-уч йил ичида чўл бағрида катта, тасаннога молик ишлар қилинди. Тошкент—Душанба поезди ҳаллослаб ўтиб кетадиган бийдай даштда Қизилоёқ ва Таллимаржон шаҳарчалари навқирон қаддини тиклади. Қарши машина канали ва Жанубий коллектор қурилиши қизғин тус олди.

Қаршидан Амударёга чўзилиб кетаётган катта йўл, янгидан барпо этилган ўнлаб совхозларни айтмайсизми? Тонг юлдузи — «Аврора» совхози чиндан ҳам бу улкан даштнинг ажойиб тонгини эслатади. Текис равон кўчалар, икки қаватли уйлар, тунда узоқдан қарасангиз кўкдаги этак-этак юлдузлар саҳрога қуйилиб, жимирлаётгандек кўринади.

Чўлни ўзлаштириш жуда улкан иш, тарихда қоладиган ҳодиса. Бус-бутун янги бир водий яратилмоқда.

— Йиллар ўтар, бу ерда фарзандлар туғилиб, янги авлод воярга етар,— дейди «Каршистрой»нинг Таллимаржонда ишлаётган қурувчилар бригадасининг бошлиғи У. Маллаев.— улар ота-оналаридан чўл ҳақида эртаксимон ҳикоялар эшитарлар.

Шундай экан, ишни бошидан пухта қилиш керак. Экскаваторсиз, машинасиз, кўтарма кранcиз, елкасига ғишт кўтариб, лойкурак билан дунёдаги тўрт мўъжизадан бири — Оқсаройни қурган бинокор наққошларнинг авлодимиз-ку, ахир! Бугун қуриб, эрта бузадиган қилиб эмас, асрлар кўкрак кериб турадиган қилиб қуриш керак. «Аврора»даги уйларнинг кўписида сув йўқ, канализация ўтказилмаган. Кечагина шувалган уйларнинг деворлари бугун ёрилиб ётибди. Энди плуг теккан бўзнинг айрим жойларида оппоқ шўр пайдо бўлибди... Бу фақат ернинг доғи эмас, ишимизнинг пала-партишлигини кўрсатувчи доғ ҳамдир.

* * *

ДАШТНИНГ бўз тупроғи улкан хазина бўлса, унинг остида ҳам улкан бойликлар ётибди. Пачкамар сув омборининг тўғонини тиклаётганлар шаҳарчасида тўхтаб, Ғузор дарёсидан радиаторга сув тўлдириб олдик. Чанқаган шофёр ҳовучини тўлдириб, лабига теккизди-да, сочиб юборди:

— Бунча шўр-а? Экиннинг офати-ку!

— Йўқ.— деди «Каршинефтгаз» трестининг инженери Эргаш ака,— янглишдинг ука. Деҳқоннинг мададкори, воҳамизнинг бойлиги бу.

Инженер воҳа тупроғи остида 1 миллиард тоннадан ортиқ калий тузлари запаси борлигини айтди. Нефть, газ эса ҳадсиз-ҳисобсиз, 11 та маҳсулдор горизонт бор. Жанубий Муборак, Култоғ, Одамтош, Коракитой манбаилари мамлакатимиздаги энг йирик хазиналар ҳисобланади.

Инженер журналистларни ҳам бир оз танқид қилиб қолди:

— Палон ердан газ ёки нефть фонтан бўлиб отилиб чиқди,— деб ёзасизлар. Бу ибора ўзини билган мутахассисга шапалоқдек тегади. Фонтан бўлиб отилибдики, демак кончилар уни ўз вақтида уддалай олмаган. Демак қанча-қанча бойлик беҳуда ёниб, осмонга совурилаяпти. Помуқдаги қудуқдан чиққан газ ҳам 480 атмосфера билан кўтарилиб, ёниб ётибди.

МАШИНА кафтдек текис Шаҳрисабз — Қарши йўлидан ғизиллаб боряпти. Дароз симёғочлар ўз тилида «гувв-гу»лаганича лип-лип ортда қолаётир. Қирлардан тракторларнинг овози эшитилади. Назаримда икки миллион гектарли дашт, бутун воҳа яратувчилик, изланиш, қуриш ташвиши билан яшаётгандек, навқирон, қалби қайноқ ёшларни қучоғига чорлаётгандек.

С. НУРОВ.

Дунё харитаси олдида

КОНСТИТУЦИЯНИ БУЗИШГА ҚАРШИ

СУДАН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАЖЛИСИ

ХАРТУМ, 24 ноябрь. (ТАСС). Кеча Судан Коммунистик партияси Марказий Комитети таъсис мажлисининг ҳукуматга Судан Коммунистик партиясини тақиқлаш ҳуқуқини беришга қарор қилгачлиги натижасида вужудга келган вазиятни муҳокама қилди.

Компартиянинг бош секретари Маҳжуб мажлис тамом бўлгач, маҳаллий информация агентлигига қуйидаги баёнотни берди: Судан Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳукуматнинг Судан Коммунистик партиясини тақиқлаш тўғрисидаги қарорига бўйсунмасликка қарор қилди. Марказий Комитет бу қарор конституцияни қонунга хилоф суратда ўзгартиришга асосланганлиги сабабли ғайри-қонуний деб ҳисоблайди деди Маҳжуб. Конституцияни, деди Судан Коммунистик партиясининг бош секретари, ҳозирги таъсис мажлиси ўзгартира олмайди.

Шунинг учун Судан Коммунистик партияси Марказий Комитети ҳукуматнинг таклифига биноан конституцияга киритилган қўшимчани ғайри-қонуний, деб ҳисоблайди. Марказий Комитет ҳукуматнинг ўзини ҳам ғайри-қонуний деб ҳисоблайди. Шу сабабли Судан Коммунистик партияси ўз фаолиятини ва конституцияни ҳимоя қилиш учун курашни давом эттиради.

ЖАСОРАТ КЎРСАТГАНЛАРГА МУКОФОТЛАР

РИМ, 24 ноябрь. ТАСС мухбири В. ГОНЧАРОВ хабар беради:

Кеча СССРнинг Италиядаги элчихонасида иккинчи Жаҳон уруши даврида Совет ҳарбий хизматчиларини қутқариб қолиш ва уларга ёрдам беришда кўрсатган мардлик ва жасорати учун мукофотланган италиялик гражданларга совет орденларини топшириш маросими бўлди. СССРнинг Италиядаги элчиси С. П. Козирев СССР Олий Совети Президиуми номидан Альдо Фарабуллини, Идрана Монтанья ва Луижи де Дзордзига Иккинчи даражали Ватан уруши ордени ва Эрсилия Пиццига «Жасурлик учун» медалини топширди.

Идрана Монтанья мукофотланганлар номидан сўзга чиқиб, юксак мукофот учун Совет ҳукуматига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди ва мукофотланганлар бундан кейин ҳам совет ва итальян халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш учун куч ва ғайратларини аямайдилар, деб ишонтирди.

Мукофотларни топшириш тантанали маросимида Италия парламентининг аъзолари, Италия мудофаа министрлигининг вакиллари, таниқли жамоат арбоблари, демократик ташкилотларнинг раҳбарлари ҳозир бўлдилар.

Америкалик сенаторнинг эътирофи

ВАШИНГТОН, 24 ноябрь. (ТАСС). Қўшма Штатлар Жанубий Вьетнамдаги урушда кўп одамларни қурбон қилмасдан иложи йўқ, бу уруш узоққа чўзилади, машаққатли, аёвсиз ва қонли бўлади, деди ҳарбий тайёргарлик бўйича сенат кичик комиссиясининг раиси Жон Стеннис. «Ғалаба ҳозир биздан жуда узоқда турибди»,—деб ўқтирди сенатор.

Урушқоқ сенатор Пентагон Вьетнам Демократик Республикасини бомбардимон қилишни яна ҳам авжига чиқариш ниятида эканлигини, унинг территориясидаги барча алоқа йўлларини яксон қилиб ташлаш планини тузаётганлигини маълум қилди. Стеннис бу гапни Гавайя оролларидан қайтиб келганидан кейин айтди. У, Гавайя оролларида АҚШнинг Тинч океан районидаги қуролли кучлари қўмондони адмирал Шарп билан кенгашган эди.

Леопольдвилда тўнтариш

ЛОНДОН, 25 ноябрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Леопольдвилдан юборган хабарида айтилишича, Конго армиясининг қўмондони Мобуту бугун Конго (Леопольдвиль) президенти Касавубуни агдариб ташлаган.

Бу ахборот Леопольдвилда радио орқали эшиттирилган.

● ● ●

29 ноябрь — югослав халқининг миллий байрами. Бундан 20 йил муқаддам Югославия Федератив Халқ Республикаси эълон қилинган эди. Ҳозир у Югославия Социалистик Федератив Республикаси деб аталади. Суратда: Белград — мамлакат пойтахти.

ТАСС фотохроникаси.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 24 ноябрь. ТАСС мухбирлари И. Лапицкий билан Л. Шокин хабар берадилар:

Хавфсизлик Кенгаши Португалия мустамлакаларидаги аҳволга доир масала хусусида Африка мамлакатлари резолюциясининг анчагина ўзгартирилган лойиҳасини кеча қабул қилди.

Хавфсизлик Кенгаши Португалия ҳукумати Хавфсизлик Кенгаши билан Бош Ассамблеянинг бундан илгариги резолюцияларини бажармаганлигини ҳамда Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка эга бўлиш ҳуқуқини танишдан бош тортганлигини қаттиқ қоралайди.

Хавфсизлик Кенгаши ана шу халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ва мустақилликка эга бўлиш ҳуқуқини дарҳол танишни, репрессияларга чек қўйишни, қуролли кучларини олиб чиқиб кетишни, сўзсиз сиёсий амнистия эълон қилишни ҳамда сиёсий партияларнинг ўз вазифасини бемалол бажариши учун шарт-шароитлар вужудга келтиришни Португалиядан талаб қилади ва ҳоказо. Резолюция шунга таъкидлайдики, Португалиянинг ўз мустамлакаларидаги африкалик аҳолига нисбатан, шунингдек қўшни мамлакатларга нисбатан тутаётган сиёсати натижасида вужудга келган аҳвол «халқаро тинчлик ва хавфсизликни жиддий равишда бузмоқда».

Резолюция барча давлатларга Португалия ҳукумати томонидан мустамлакалардаги халқларга нисбатан ўтказилаётган репрессияларнинг давом этишига сабаб бўла оладиган ҳар қандай ёрдамни Португалияга кўрсатишдан ўзини дарҳол тийиб олишни ҳамда Португалияга қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар сотиш ва етказиб беришга тўсқинлик қилиш учун барча зарур чораларни кўришни таклиф қилади.

Африка мамлакатлари томонидан бошда ўртага қўйилган резолюция лойиҳаси Уругвай делегацияси таклиф этган иккита тузатиш билан юмшатилди. Шундан кейин АҚШ, Англия, Голландиянинг зўри билан битта энг муҳим модда резолюция лойиҳасидан чиқариб ташланди. Бу моддада барча давлатлар «Португалиянинг бутун импорти ва экспортини якка ёки коллектив тартибда бойкот қилиш учун барча зарур чораларни кўриш»га даъват этилган эди. СССР, Малайзия, Иордания ва Фил Суяги Қирғоғи делегациялари ана шу моддани ёқлаб овоз бердилар.

Ўзгартирилган резолюция 7 овоз билан қабул қилинди. Ҳеч ким резолюцияга қарши овоз бермади. АҚШ, Англия, Франция ва Голландия делегациялари холис қолди.

АҚШ вакили Голдберг овоз бериш сабаблари юзасидан гапириб, гарчанд бошда таклиф этилган лойиҳа «анча яхшиланган бўлса» ҳам, АҚШ уни қўллаб-қувватлашни лозим кўрмади ва овоз беришда холис қолди, деган важни кўрсатди.

СССР вакили Н. Т. Федоренко овоз бериш сабабларини тушунтириб, ғарбдаги баъзи давлатлар Хавфсизлик Кенгашининг таъсирчанроқ резолюцияни қабул қилишига қасддан йўл бермадилар, деди.

Африка давлатлари, деб сузини давом эттирди совет делегати, баъзи ғарб давлатларининг биз мустамлака халқларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини ҳурматлаймиз, деб огизда бераётган ваъдалари неча пуллик қимматга эга эканлиги ҳақида яна бир карра қанобат ҳосил қилиш имконига эга бўлдилар. Ғарбдаги баъзи давлатлар Салазар режимига ҳомийлик қилмоқдалар. Улар Хавфсизлик Кенгашининг тўла равишда бойкот эълон қилишни назарда тутувчи моддани қабул қилишига имконият бермаслик учун ҳамма чораларни кўрдилар. АҚШ, Англия ва Ғарбдаги бошқа мамлакатлар ўзларининг НАТО даги иттифоқчиси—Португалияни маънавий ва сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир карра намойиш қилиб кўрсатдилар.

Н. Т. Федоренко айтдики, гарчанд совет делегацияси резолюциянинг юмшатилган нусхасини қониқарли деб топмаса ҳам, лекин шу лойиҳани ёқлаб овоз беришни лозим кўрди. Бунда совет делегацияси лойиҳани қўллаб-қувватлашга чақирган Африка давлатларининг муроҳаатини ҳисобга олди.

Биз аминмизки, деди совет вакили,—мустамлакачи давлатлар Португалия мустамлакаларидаги халқларнинг адолатли курашига халақит беришга қанчалик тиришмасинлар, бу кураш муваффақият билан тугайди.

В. ГОМУЛКА МАРШАЛ ГРЕЧКОНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

ВАРШАВА, 25 ноябрь. (ТАСС). Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар армиялари вакилларининг қўшинларни ўқитиш масалаларига бағишланиб Варшавада ўтказилаётган кенгаши муносабати билан кеча Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатлар Бирлашган қуролли кучларининг Бош қўмондони Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречкони қабул қилди.

Учрашувда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Миллий мудофаа министри Польша маршали Мариан Спихальский ҳозир бўлди.

Германия Федератив Республикаси меҳнаткашлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун

БЕРЛИН, 25 ноябрь. (ТАСС). Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети кеча «Дейчер Фрейхейтсзендер 904» радиостанцияси орқали Ғарбий Германия аҳолисига мурожаат қилиб, Германия Федератив Республикасида нарх-навонинг ошиб бораётганлигига ва монополиялар меҳнаткашларнинг социал ҳуқуқларига ҳужум қилаётганига қарши чиқишга чақирди. Мурожаатда айтиладики, ҳукуматнинг иқтисодий сиёсати ва унинг атом билан қуролланиш сиёсати мамлакатда нарх-навонинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Германия Коммунистик партияси Марказий Комитети бундисверни қуроллантиришга қилинаётган харажатларни қисқартириш, шунингдек Ғарбий Германияда фавқулодда қонунлар қабул қилиниши билан боғлиқ бўлган харажатларни қисқартириш зарур, деб кўрсатади. Эрхард ҳукуматининг иш ҳафтасини узайтиришга қаратилган режасини қатъий тарзда рад қилиш ва касаба союзларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабини бажариш зарур, дейилади мурожаатда.

СУРБЕТЛАРЧА ИҒВОГАРЛИК

БУЭНОС-АЙРЕС, 24 ноябрь. (ТАСС). СССРнинг Аргентинадаги элчихонасига нисбатан сурбетларча иғвогарлик қилинди. 22 ноябрь кечқурун номаълум шахслар элчихона биносининг биринчи қаватидаги терассага бомба ташладилар. Портлаш натижасида бинога жиддий зиён етказилди. Қурбонлар йўқ.

Элчихонанинг талаби билан маҳаллий ҳукумат маъмурлари тергов олиб бормоқда.

КУБАЛИК МЕҲМОНЛАР ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТИШДИ

Куба коммунистик партияси Марказий Комитети сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитети секретари, революцион ҳукумат бош министрининг ўринбосари, революцион қуролли кучлар министри майор Рауль Кастро Рус бошчилигидаги Куба Республикаси делегацияси 24 ноябрда самолётда Москвадан ватанига жўнаб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг таклифига биноан, СССРда меҳмон бўлиб турган Куба Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси Хосе Матар Франие бошчилигидаги Куба Революцион ҳаракати ветеранлари делегацияси ҳам ана шу самолётда жўнаб кетди. (ТАСС).

ҲУЖУМ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ХАНОЙ, 24 ноябрь. (ТАСС). Америка реактив самолётларидан бир неча группаси кеча Вьетнам Демократик Республикаси территориясига яна ҳужум қилди. Улар Футхо, Хоабинь ва Тханьхоа вилоятлари ва Тханьхоа шаҳридаги аҳоли зич жойлашган бир қанча районларини бомбардимон қилдилар ва ўққа тутдилар.



ФУТБОЛ

ТАҒИН ДУРАНГ БЎЛДИ

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 25 ноябрь. (ТАСС). Бразилиядаги иккинчи матчда СССР терма командасининг футболчилари Белуоризонти шаҳрида Минас-Жерайс штатининг терма командаси билан ўйинни 0:0 ҳисобида дуранг қилдилар.

СССР терма командаси Кавазашвили, Пономарев, Афонин, Хурцилава, Гетманов, Кутивадзе, Хусаинов, Осянин, Малафеев, Копаев, Хмельницкийлардан иборат составда ўйнади.

«КАЙРАТ» ВА «АРАРАТ» ОЛИЙ ЛИГАДА

СССР биринчилиги учун мусобақаларнинг шартларига мувофиқ «А» классининг биринчи группасидан тушиб кетган «Локомотив» (Москва), «Торпедо» (Кутаиси) ҳамда Армия спорт клуби (Одесса) командалари ўринга иккинчи группадан битта кучли команда чиқиши керак эди.

СССР футбол федерацияси президиуми қондага ўзгартиш киритди: келаси йилда олий лигада 16 та команда ўйнайди. Шундай қилиб, кучлилар сафига Ереваннинг «Арарат» ҳамда Олмаотанинг «Қайрат» командалари ҳам киритилди. Кеча кечқурун Грозний шаҳрида бўлиб ўтган ўйин олий лигага чиқиш учун эмас, балки кичик олтин ва кумуш медаллар учун кураш ўйини бўлди.

Бир йиллик танаффусдан кейин «Қайрат» ва «Арарат» кучли футбол командалари сафига яна қайтди. Кичик бронза медалини Харьковнинг «Авангард» командаси олди.

ГАЛКИН ЛИДЕРНИ ҚУВИБ ЕТДИ

Юз катакли шашка бўйича мусобақалар қизғин ўтяпти. Учрашувнинг тўртинчи турида мусобақа лидери, арменчилар вакили А. Андрейко Косминский билан бўлган учрашувда зўрга дуранг қилишга эришди. Бешинчи ўринда бораётган М. Галкин ҳамда А. Гуллер учрашуви кечкин кураш остида ўтди. Тажрибали шашкачи М. Галкин рақибининг хатосидан усталик билан фойдаланиб, уни таслим бўлишга мажбур қилди ва жуда муҳим очкони қўлга киритди. Ҳозир М. Галкин тўрт имкониятдан 3,5 очко тўплаб, мусобақа голиби А. Андрейкога тенглашиб олди.

Шиткин билан Маншин, Агафонов Степанов билан учрашиб, дурангга эришдилар. Ҳар иккала шашкачи учтадан очкога эга. Давидов—Сретенский, Ковришкин — Рапопорт, Цирик—Коплан партиялари ҳам дуранг билан тамомланди. Ўзбек шашкачиси Тўлқин Қосимов халқаро спорт мастери М. Корхов билан бўлган учрашувда ютқазиб қўйди.

Бешинчи турни москвалик М. Галкин яхши тамомлади. У куйбишевлик Б. Берган билан бўлган ўйинда устун келди ва муҳим ғалабани қўлга киритди. Мусобақада яхши ўйнаётган А. Андрейко тошкентлик Черкасский билан учрашди. Андрейко моҳирлик билан ўйнаб, тошкентлик спортчини таслим қилди. Ҳозир Андрейко билан Галкин 4,5 тадан очкога эга. С. Давидов — В. Раппопорт учрашуви дуранг бўлди. Самарқандлик бош спортчи Т. Қосимов СССР гроссмейстери З. Цирик билан учрашиб, ўйинни дуранг қилиш шарафига эришди.

Кеча олтинчи тур ўйналди.

Б. ВАСИЛЬЕВ.

ОВНИ севсанг

Дарҳол ўзимизни сувга урдик. Иккаламизнинг халтамиз ҳам ҳадемай балиққа тўлди. Ҳаммаси 100-200 граммли балиқлар. Бўтана сув юзида човоқлар қалқиб юришарди. Топоқвой кўйлаги билан сувни сузиб, майда балиқчаларни халтага солаберди. Мен ҳам ундан ўрганиб, ишга киришиб кетдим. Топоқвой охирги балиқчаларни сузиб олиб, халтани дарёнинг эски ўзанига бўшатиб келди. Келаси йил бу ер балиқ кони бўлади!

— Бизнинг олганимиз бу атрофдаги балиқнинг мингдан бир қисми холос, — деди у. — Анов шолипоялардаги балиқлар шоли ҳосилидан ҳам кўпроқ.

Тустовуқ отгани келиб, балиқ кўтариб кетдик.

Сўнгги йилларда Хоразм сувларида Узоқ Шарқдаги Қорақум каналига келтирилган «оқамур», «йўғонтумшуқ» деб аталган ўтхўр ва сергўшт янги балиқ навлари тез урчиб кўпаймоқда. Олимларнинг фикрича, ана шу балиқ навлари шолипояларда яхши урчийди. Баҳорда уруғдан чиққан чоқо кузаккача уч юз граммгача етилади ва бир гектар шолипояда икки юз центнергача ана шундай балиқ урчитиб олиш мумкин экан. Бундан ташқари, балиқ шоли ҳосилдорлигини гектарига 3-4 центнер оширишга ҳам хизмат қилар экан. Хоразм колхоз-совхозларида ҳар йил қарийб ўн минг гектар шоли экилади. Ана шу гектарларда балиқ урчитиш йўлга қўйилса-чи? Ана қўшимча бойлик! Ҳа, еримизнинг бойлик ва ноз-неъматлари беҳисоб. Афсуски, ундан тўла фойдаланмаймиз.

Р. БЕКНИЁЗОВ.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи Ўзбекистоннинг ҳамма районларида ҳавонинг очиқ бўлиши кутилади. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади, 14-19 даража иссиқ бўлади. Жанубий томонда эса ҳарорат 23 даражагача боради.

Тошкентда ҳаво очиқ бўлиб, 15-17 даража иссиқ бўлади.

ИНСОНИЯТ 2000-ЙИЛДА

Инсоният ўзининг бутун тарихи мобайнида аҳолининг сони икки баравар кўпайганлигини саккиз марта кўрди, тўққизинчи марта 2000-йилда кўради, деб кутилмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон аҳолиси ҳар уч секундда 5 киши, ҳар минутда юз киши, ҳар куни қарийб 145 минг киши кўпаймоқда. Учинчи минг йиллик бошланадиган вақтга бориб ер юзидаги одамларнинг сони 6.3 миллиардга етади.

Ана шу рақамлар Грейфсвальд (ГДР) университетининг профессори Отто Рюленинг рус тилига таржима қилиниб, «Прогресс» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «6 миллиард одам учун нон» китобида келтирилади.

Автор ер юзи аҳолисининг жуда тез кўпаяётганлиги ва одамларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масалаларини тадқиқ қилади. Шу темадаги адабиётлар орасида О. Рюленинг китоби алоҳида ўрин тутади: бу китоб шу проблемани марксистик позицияларда туриб ёритиб берувчи биринчи бақувват асардир.

Профессор О. Рюле ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги даражаси билан ҳам жаҳон қишлоқ хўжалиги ҳозир ер юзида яшаб турган одамларга нисбатан икки баравар кўп аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъминлашга қодир эканлигини яққол кўрсатиб беради. Башарти, ҳозирги кунда инсониятнинг ярми ҳали ҳам оч қолаётган экан, бунга ҳозирги замон мальтусчилари даъво қилаётганидек, табиат қонунлари мутлақо айбли эмас.

Профессор О. Рюле социализм ва фақат социализм инсонга очлик ва муҳтожлик устидан узил-кесил ғалаба қозониш йўлини очиб қўяжагини катта фактик материал асосида кўрсатиб беради. Мана шу идея асарга бошдан-оёқ негиз қилиб олинган.

Китоб 10 та катта бобдан иборат бўлиб, жонли, оммабоп тилда ёзилган ва унга ажойиб жадваллар, масалан, жаҳондаги 83 мамлакатда аҳоли сонининг ўсиш динамикасини кўрсатувчи жадвал илова қилинган. «6 миллиард одам учун нон» китоби ҳозирги замоннинг социал-иқтисодий проблемалари билан қизиқаётган барча кишилар учун мўлжалланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

26 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт. 6.45 — Гимнастика (ўзб.). 7.35 — Эшиттиришлар программаси. 8.25 — Қўшиқлар.

9.15 — «Совет Ўзбекистони». 9.23 — «Правда Востока». 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон». 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори. 9.30 — Фортепьяно пьесалари. 10.10 — Хоразий Шарқ куйлари. 11.10 — «Сиҳат-саломатлик» радиожурнали. 11.30 — Симфоник рақслар. 12.15 — Концерт. 12.50 — Профилактика ва саломатлик (рус.). 13.00 — Чорвадорлар учун. 13.40 — Скрипка пьесалари. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 16.15 — Валетлардан парчалар. 17.00 — Концерт. 18.10 — Мўғул куйлари. 18.30 — Дўстларимиз қўшиқлари. 19.20 — Социализм мамлакатлари куйлари. 20.00 — «Янгича ишлаётган фабрика» (рус.). 20.10 — Музикали учрашув. 20.45 — Сиёсий билимлар радиоуниверситети (ўзб.). 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.). 22.00 — Халқаро темада (ўзб.). 22.10 — Концерт. 22.40 — «Онаизор» поэмасидан парча (ўзб.). 23.10 — Эртаги кун эшиттиришлари. 23.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

25 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — Телевизион янгиликлар, 18.20 — Қизил галстук тележурнали, 19.00 — Халқ контроли амалда, 19.15 — Райком секретари (бадиий фильм). 20.40 — Эшиттиришлар программаси.

Рус тилида: 20.45 — Телевизион янгиликлар, 21.00 — Композиторлар телестудияда, 21.45— Шаҳримиз йигити (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.10 — Китоб ташувчи Мушук нима келтирди (болалар учун), 18.35 — Тошкент янгиликлари, 18.45 — 11-факультет (телеочерк), 19.00 — Юрак яна ура бошлади (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 20.50 — Ёшлар парвози (адабий эшиттириш), 21.10 — Тошкент янгиликлари, 21.20 — Березово дарёсининг зийнатлари (телеочерк), 21.30 — Балет рақслари.

Рус тилида: 22.10 — Ишончли дўстимиз, Кимёгарлар учун, Академик Прянишников (илмий-оммабоп фильмлар).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XI да Оқиқуш нўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XI да Қотил, 27/XI да Уғирланган умр.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 26/XI да Гули сиёҳ.

КИНО

Бахтга аралашманг — «ДРУЖБА» (1 ва 2-залда), «МИР» (кундуз ва кечқурун), СОБИР РАҲИМОВ номли (эрталаб соат 10 да).

Дайди (1 ва 2-серия) — СОБИР РАҲИМОВ номли, НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЛЛИГИ», «СПУТНИК», «ИСКРА», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз па кечқурун), «ДРУЖБА» (кеч соат 6-40, 7 ва 9-40 минутда), «МОСКВА» (кеч 9 яримда).

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА 27 ноябрда

«Пахтакор» (Тошкент) — «А» ва «В» класс мастерларидан Терма Ўзбекистон командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Кундуз соат 4 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Тушган йиғим Олимпия шаҳарчаси қурилишига берилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг

УСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича младший илмий ходимлар вазифасида ишлаш учун

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўсимликлар генетикаси — 20 ўрин, ўсимликлар физиологияси — 57, ўсимликлар биохимияси — 7, ўсимликлар радиобиологияси — 10, қишлоқ хўжалик экономикаси — 2, цитоэмбриология.

Конкурсда олий маълумотли, ўз ихтисоси бўйича камида бир йил ишлаган кишилар қатнаша олади.

Конкурсда қатнашишни хоҳлаганлар 16/XII гача институт директори номига ариза ёзиб, қуйидаги ҳужжатларини кўшиб берадилар: кадрларни ҳисобга олиш варақаси ва таржимаи ҳол, олий маълумот ҳақидаги ҳужжатларнинг копияси, кейинги иш жойидан характеристика.

Адрес: Тошкент шаҳар, Оржоникидзе поселкаси, Академия шаҳарчаси.

ТОШКЕНТ ИППОДРОМИДА

28 ноябрь эрталаб соат 11 да «ПАХТА БАЙРАМИ»ГА БАҒИШЛАНГАН

КАТТА

От спорти мусобақалари

БОШЛАНАДИ

Ўзбекистон областлари ва Қорақалпогистон АССРнинг энг кучли чавандоз-спортчилари қатнашади.

Программада: чавандозлик пойга, миллий спорт ўйинлари: «ғардариш», «қиз қувиш», «кўпкари» (улоқ), «оломон пойга» ва бошқалар.

Ипподромга 5-трамвайда «Ҳамза» остановкасигача, 7, 12, 17, 26-автобусда «Жиркомбинат» остановкасигача борилади, шунингдек Революция скверидан махсус автобуслар қатнайди.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА

27, 28 ноябрда Туроб Тўла асари

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

ҚАРИ ҚИЗ

2 пардали музикали драма. Ғанижон Тошматов ва Борис Зейдман музикаси.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати Разоқ Ҳамроев, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Г. А. Визель, дирижёр — Эргаш Тошматов, балетмейстер — Омон Назруллаев, режиссёр ассистенти — Раиса Муҳиддинова, концертмейстерлар — М. Фурман ва М. Малина.

Спектаклда: Ўзбекистон ССР халқ артистлари Соҳиб Ҳўжаев, Фарогат Раҳматова, Маҳмуджон Ғафуров, Разоқ Ҳамроев, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатов, Ҳамза Умаров, солистлардан Раҳҳон Тўраева, Наима Исоқова, Собир Раҳимжоновлар қатнашади.

Спектакль кеч соат 7 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИНИНГ

ФАБРИКА-ЗАВОД ШОГИРДЛИГИ МАКТАБИ

тўқувчи, йигирувчи, моталчи касбларига ўргатиш учун

7-10 синф ҳажмида маълумотли, 17 ёшдан 24 ёшгача бўлган

ҚИЗЛАРНИ

Ўзбек, рус группаларига

қабул қилади

Ўқиш муддати — бир йил.

Мактабга қабул қилинганлар стипендия билан, ҳалок бўлган жангчиларнинг, Ватан уруши инвалидларининг болалари ва ота-онасиз етимлар овқат, кийим, ётоқ билан ҳам таъминланади.

Мактабга кирувчилар паспорт, маълумот ҳақида шаҳодатнома, 3 та фотокарточка тақдим қиладилар ва Тошкент тўқимачилик комбинати поликлиникасида медицина кўригидан ўтадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фрунзе район, 2-Виборг кўчаси, 3-а уй.

«УЗГЛАВКОЛХОЗСТРОЙ»

га

Тошкент шаҳрида ва область марказларида ишлаш учун

меҳнат ва иш ҳақи инженерлари,

колхозлараро қурилиш ташкилотларида ва «Колхозстрой» область трестларида ишлаш учун

қурувчи-инженерлар ва техниклар

КЕРАК

Тошкент шаҳрида Пролетар кўчаси, 11-уй, 17-хонага келиб учрашилсин (телефон 3-33-93), область марказларида эса «Колхозстрой» трестларига мурожаат қилинсин.

Ўзбекистон Кино ва театр ходимлари уйи, Ўзбекистон ССР Театр жамияти ва Ўзбекистон Кинематография ходимлари союзи Ўзбекистон Кино ва театр ходимлари уйининг директори К. Насимобага онаси

Ойша

РАСУЛЕВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

ШОЛИЗОР БАЛИҚЛАРИ

Тустовуқ овлаш, одатда бошқа қанотли жониворлардан бир, бир ярим ой кеч бошланади. Зотан, тустовуқ овининг бошланиши овчилар учун катта байрам. Топоқвой билан катта ов мавсумининг биринчи кунини тўқайда қарши олдик.

Милтиқни қўлга олиб, ювот бўйлаб кетдик.

Топоқвой мендан йироқлашиб кетиб, шолизор ўртасида ивирсиб юрарди. Такрор-такрор шошилинч ҳуштак чалиб, мени олдига чақирди. Қарға ва олаҳаккалар унинг тепасида ғақиллаб айланишар, шолипоя ўртасида қўнқайиб қолган ёлғиз жийда дарахтига биттаси бориб қўнса, ундан иккитаси кўтарилиб, Топоқвойнинг тепасига учиб келарди.

Топоқвой мени пайкал ўртасидаги қамишзорда кутиб турарди. Етиб келишим билан қамишзор остидаги балчиқ сувни кўрсатди. Сув булоқдек қайнаб чайқалиб турарди.

Редактор М. ҚОРИЕВ

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347 Ommabий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343 Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 277. ИНДЕКС 64543. Р. 01371.